БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 10 (501)
13 ЯНВАРЬ
ЖУМА
1956 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

## БУГУНГИ СОНДА:

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Эрон парламент делегациясининг бошлиғи Муҳаммад Саид жанобларини қабул қилди (1-нчи бет).

В. М. Молотов Аргентинанинг СССРдаги элчиси Э. Донато Дель Карриль жанобларини қабул қилди (1-чи бет).

В. М. Молотов Франциянинг СССРдаги элчиси М. Дежан жанобларини қабул қилди (1-нчи бет).

Америкадан келган «Эвримен опера» труппасининг иккинчи спектакли (1-нчи бет).

**КПСС XX с'езди шарафига** (1-нчи бет).

Тошкент шаҳар XI партия конференцияси (2-нчи бет).

ИШЛАБЧИҚАРИШНИНГ ДОНГДОР КОМАНДИРЛАРИ: **В. Скородумов.** — Участка мастери (3-нчи бет).

**М. Исмоилов.** — А. С. Попов (3-нчи бет).

ИЛҒОР КОЛХОЗЛАР ТАЖРИБАСИДАН: **Ғ. Отабоев.** — Пахтачиликда прогрессив усулни кенг қўлланамиз (3-нчи бет).

Албания Халқ Республикаси деб э'лон қилинган кунининг 10 йиллиги. Мануш Муфтиу доклади (4-нчи бет).

Ўзбекистон ССР сан'ат арбоблари делегациясининг Ҳиндистонда бўлиши (4-нчи бет).

## ИШЧИЛАР КЛУБИ

КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларида саноатни янада ривожлантириш, унинг техникасини тараққий этдириш ва қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш йўли блан совет халқининг моддий ва маданий фаровонлигини янада оширишнинг конкрет вазифалари белгилаб берилган. Тарихий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган бу вазифаларни амалга ошириш учун идеология соҳасида олиб борилаётган бутун ишларимизни коммунистик қурилиш практикаси блан, ҳозирги даврнинг амалий вазифалари блан боғлаб олиб бориш талаб этилади.

Халқ маданий бойлигининг манбаи бўлган бизнинг радио, кино ва театрларимиз, клублар, ўқиш хоналари, Маданият уйлари ва саройлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларни партия, ҳукуматимиз томонидан мамлакат олдига қўйилган улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқдалар. Меҳнаткашлар шу муассасаларнинг ёрдами блан ўз сиёсий савиялари ва билим даражаларини оширмоқдалар, коммунистик аҳлоқ, онгли интизомлилик ва ма'навий поклик каби юксак инсоний фазилатларни ўзларига сингдирмоқдалар.

Идеологик жиҳатдан та'сир кўрсатишнинг энг муҳим тормоқларидан бири ҳисобланган ва ўз атрофига миллионларча ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимларни уюштирган саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари ҳузуридаги ишчи клублари ҳамда Маданият саройлари социалистик маданиятимиз эришган ютуқларни пропаганда қилиш, техника прогрессини кучайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлабчиқариш илғорларининг тажрибаларини кенг ёйиш, шунингдек ишчи-хизматчиларни онгли, юксак маданиятли, коммунизм улуғ ишига чексиз садоқатли қилиб тарбиялашда ҳақиқий маданий марказ бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда областимиз шаҳарларида касаба союз ташкилотларининг кўпгина ишчи клублари ва Маданият саройлари ишлаб турипти. Улар ўз атрофига ишчи-хизматчилар ва инженер-техник ходимлардан ибрат активларни борган сари кўпроқ тўпламоқдалар ва шу активлар орқали меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий ва маданий-тарбиявий ишларни тобора яхшиламоқдалар. Иш яхши ташкил этилган клублар ва Маданият саройларида амалга оширилаётган бутун тадбирлар ҳозирги куннинг муҳим амалий вазифалари блан боғлаб олиб борилмоқда.

Сталин номидаги тўқимачилик комбинати Маданият саройи шаҳардаги энг яхши маданий-оқартув муассасаларининг бири ҳисобланади. Бу ерда мунтазам равишда тўқучилар блан тематик кечалар ўтказиб турилади. Кечаларда ишлабчиқариш новаторлари ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар, илғорлар тажрибаси оммалаштирилади, рационализатор ва ихтиро'чиларнинг чиқишлари уюштирилади. Саройда турли бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишламоқда. Бу тўгараклар ёшларда бадиий завқ уйготмоқдалар, улар орасидан кўпгина талантлар етишиб чиқмоқда. Тошкент тўқимачиларининг ҳаваскорлари яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ишчи-хизматчилари бадиий ҳаваскорларининг республика кўригида катта муваффақият қозондилар.

Броқ, ҳамма ишчи клублари ва Маданият саройларида ҳам бирхилда иш олиб борилаётир, мавжуд имкониятлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилаётир, деб бўлмайди. Уларнинг ишчилар ва инженер-техник ходимларга маданий хизмат кўрсатиши ҳали республикамиз экономикасининг умумий тараққиёти ва меҳнаткашларнинг тўхтовсиз ўсиб бораётган талабларидан кейинда қолмоқда. Кўпчилик клублар ва Маданият саройларининг правдениелари саноатда техника прогресси учун кураш, меҳнат унумдорлигини ошириш, технология процессларини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш масалалари блан камдан-кам шуғулланмоқдалар, фан ютуқларини, ишлабчиқариш илғорлари ва новаторларининг тажрибаларини юзаки пропаганда қилмоқдалар.

Масалан, «Ўзбексельмаш» заводининг клуби кўпдан бери ўз фаолиятини ах'ёнах'ёнда кинофильмлар кўрсатиш ва танца кечалари ўтказиш блангина чегаралаб кўйиб, илмий-техника темаларида лекциялар уюштириш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, тематик кечалар ўтказиш, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишини жонлантириш масалалари блан жуда кам шуғулланаётир. Ҳолбуки, фидокорона меҳнат қилаётган машинасозлар клубда турли темаларда лекциялар тинглашни, адабиётлар ўқишни, илғорлар тажрибасини ўрганишни, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари концертларини тинглашни, спектакльлар кўришни истайдилар.

Областимиз саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш, технологик процессларни такомиллаштириш йўлида астойдил ижодий меҳнат қилаётган ва ишлаб чиқаришга кўплаб янгиликлар киритаётган экскаватор машинисти Х. Алиқулов, пўлат эритучи А. Тошпўлатов, техник Г. Пономарев, технолог Г. Коваль, конструктор Д. Цукерман, тўқучи С. Пўлатова энергетик С. Азимов каби кўплаб донгдор ишчиларни ва инженер-техник ходимларни ким танимайди дейсиз?! Уларнинг муваффақиятлари матбуотда, партия ва касаба союз ташкилотларида қайта-қайта тилга олинади-ю, аммо кўпгина ишчи клублари ва Маданият саройларининг ходимлари бу новаторларнинг қимматли тажрибаларини пропаганда қилишдан ҳамон ўзларини четга олмоқдалар.

Илғор метод ва тажрибаларни, прогрессни, фан ютуқларини кенг пропаганда қилиш ва бу соҳада олиб борилаётган бутун ишларни коммунистик қурилишнинг амалий вазифалари блан боғлаб олиб бориш— клублар ва Маданият саройлари ходимларининг шарафли бурчидир.

Саноат корхоналарининг касаба союз ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришга да'ват этилган маданий-оқартув муассасаларини, жумладан ишчи клублари ва Маданият саройларини билимларни пропаганда қилучи, илғорлар тажрибасини оммалаштиручи, меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишини уюштиручи ҳақиқий маданий марказга айлантиришлари, шунингдек клуб ходимлари тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга алоҳида э'тибор беришлари керак.

Бу соҳада касаба союз ташкилотларига яқиндан ёрдам бериш, маданий-оқартув муассасаларининг меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида, она Ватанга чексиз садоқат ва меҳнатга янгича муносабат руҳида тарбиялаш соҳасидаги ролини ошириш маҳаллий партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак.

Коммунистик партиямизнинг XX с'езди ва Марказий Комитетининг Пленумлари ишчилар, хизматчилар ва инженер-техник ходимларнинг ижодий меҳнат қилаётган ва ишлаб чиқаришга кўплаб янгиликлар киритаётган экскаватор машинисти Х. Алиқулов, пўлат эритучи А. Тошпўлатов, техник Г. Пономарев, технолог Г. Коваль, конструктор Д. Цукерман, тўқучи С. Пўлатова энергетик С. Азимов каби кўплаб донгдор ишчиларни ва инженер-техник ходимларни ким танимайди дейсиз?! Уларнинг муваффақиятлари матбуотда, партия ва касаба союз ташкилотларида қайта-қайта тилга олинади-ю, аммо кўпгина ишчи клублари ва Маданият саройларининг ходимлари бу новаторларнинг қимматли тажрибаларини пропаганда қилишдан ҳамон ўзларини четга олмоқдалар.

Илғор метод ва тажрибаларни, прогрессни, фан ютуқларини кенг пропаганда қилиш ва бу соҳада олиб борилаётган бутун ишларни коммунистик қурилишнинг амалий вазифалари блан боғлаб олиб бориш— клублар ва Маданият саройлари ходимларининг шарафли бурчидир.

Саноат корхоналарининг касаба союз ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришга да'ват этилган маданий-оқартув муассасаларини, жумладан ишчи клублари ва Маданият саройларини билимларни пропаганда қилучи, илғорлар тажрибасини оммалаштиручи, меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишини уюштиручи ҳақиқий маданий марказга айлантиришлари, шунингдек клуб ходимлари тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга алоҳида э'тибор беришлари керак.

Бу соҳада касаба союз ташкилотларига яқиндан ёрдам бериш, маданий-оқартув муассасаларининг меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида, она Ватанга чексиз садоқат ва меҳнатга янгича муносабат руҳида тарбиялаш соҳасидаги ролини ошириш маҳаллий партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак.

Коммунистик партиямизнинг XX с'езди ва Марказий Комитетининг Пленумлари ишчилар, хизматчилар ва инженер-техник ходимларнинг актив қатнашишларини уюштиришда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари лозим.

### Ўртоқ Н. С. Хрушчев Эрон парламент делегациясининг бошлиғи Муҳаммад Саид жанобларини қабул қилди

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев СССРда бўлган Эрон парламент делегациясининг бошлиғи Муҳаммад Саид жанобларини 11 январьда қабул қилди ва у блан суҳбатла шди. (ТАСС).

### В. М. Молотов Аргентинанинг СССРдаги элчиси Э. Донато Дель Карриль жанобларини қабул қилди

Аргентинанинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Э. Донато Дель Карриль жанублар СССР Олий Совети Президиумининг Раиси га ўзининг ишонч ёрлиқларини топширажаги муносабати блан 11 январьда СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов уни қабул қилди. (ТАСС).

### М. В. Молотов Франциянинг СССРдаги элчиси М. Дежан жанобларини қабул қилди

Франциянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Морис Дежан жанобларини СССР Олий Совети Президиумининг Раиси га ўзининг ишонч ёрлиқларини топширажаги муносабати блан 11 январьда СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов уни қабул қилди. (ТАСС).

### УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкент шаҳар XI партия конференцияси томонидан сайланган Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум шаҳар партия комитетининг бюросини ва секретарларини сайлади. Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари қилиб ўртоқ **Р. Ғ. Ғуломов**, Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг иккинчи секретари қилиб ўртоқ **П. М. Сазонов**, Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг секретари қилиб ўртоқ **И. Р. Арнаутов** сайланди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети бюросининг а'золари қилиб Р. Ғ. Ғуломов, П. М. Сазонов, И. Р. Арнаутов, А. И. Морозов, Х. Р. Мусахонова, Қ. Р. Рўзметов, М. Т. Турсунов, П. П. Федотов ва А. И. Шкуратов ўртоқлар сайландилар.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети ревизия комиссиясининг йиғилишида ревизия комиссиясининг раислигига ўртоқ Колесников сайланди.

### Америкадан келган „Эвримен опера" труппасининг иккинчи спектакли

Американинг «Эвримен опера» труппаси Москвада ўз гастролини давом этдирмоқда. 11 январьда бу труппа артистлари К. С. Станиславский ва В. И. Немирович-Данченко номидаги театр сахнасида Жорж Гершвиннинг «Порги ва Бесс» деган музикали драмасини иккинчи марта кўрсатдилар. Театр зали тамошабинлар блан лиқ тўлган эди.

Бу спектакль АҚШ жанубидаги шаҳарлардан бирида бўлган негрлар маҳалласида яшовчи кишиларнинг ҳаётига бағишланган. Бу пьесанинг музикаси негр куйлари асосида ишланган.

Асосий рольларни Лесли Скотт (Порги), Марта Флауэрс (Бесс), Лоренцо Фуллер (Спортинг Лайф), Жон Мак-Карри (Кроун) ижро этдилар.

Спектаклда Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Д. Т. Шепилов ўртоқлар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

### Эстония ССР Олий Советининг иккинчи сессияси

ТАЛЛИН, 11 январь. (ТАСС). Бугун Эстония ССР Олий Советининг Президиуми фармон чиқариб, Эстония ССР тўртинчи чақириқ Олий Советининг иккинчи сессиясини 1956 йил 30 январьда Таллин шаҳрида чақиришга қарор қилди.

### *А. М. Горькийга бронзадан ҳайкал*

11 январьда Москвада Воровский кўчасидаги А. М. Горький музейи биноси олдида улуғ рус ёзучисининг бронзадан ясалган ҳайкали тантанали вазиятда ўрнатилди. Бу ҳайкал СССР ҳалқ рассоми В. И. Мухина томонидан ишланиб, ёзучи туғилиб ўсган Горький шаҳрида Алексей Максимовича ўрнатилган ҳайкалнинг автор қўли блан ясалган моделидир. (ТАСС).

### „Ленинград тарихи"

ЛЕНИНГРАД, 10 январь. (ТАСС). СССР Фанлар академияси нашриётининг Ленинград бўлими бугун «Ленинград тарихи очерклари»нинг биринчи томини босиб чиқарди. СССР Фанлар академияси Тарих институти томонидан нашр этилган бу асар ўз олдига шаҳарнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётининг энг муҳим даврларини ёритиш вазифасини кўяди.

Биринчи томдаги материаллар Петербургнинг феодализм давридаги тарихига— унинг ташкил топган кунидан то Россияда крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилинишига қадар бўлган даврга бағишланган. Китобнинг ҳажми 50 печать листдан кўпроқ бўлиб, жуда кўп расмлар блан безатилган. Қадимий кўринишлар тасвирланган ва Петербург карталари кўрсатилган.

Ҳамма нашр — тўрт томлик, сўнгги том социалистик Ленинград тарихига бағишланади.

## *КПСС XX с'езди шарафига*



Тошкентдаги «Под'ёмник» заводининг бош технология бўлими кўприк кранларининг ҳаракатланучи ғилдиракларини тайёрлашда унификациялаштирилган янги технологияга кўчиш тадбирларини ишлаб чиқди. **Суратда:** (чапдан) старший инженер-конструктор **П. Ватлин**, инженер-технолог **Н. Бабуров** ва старший инженер-технолог **В. Давидова** ўртоқлар янги технология процессини ва уни қўлланиш учун тайёрланган оснасткани муҳокама қилмоқдалар.

**В. Салов** фотоси.

### Меҳнат унумдорлиги ошмоқда

Тошкент шаҳридаги «Радиодеталь» заводининг ишчи ва инженер-техник ходимлари КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кун сайин қизитиб, ажойиб меҳнат ютуқларини қўлга киритмоқдалар. 1955 йилда пландан ташқари 615 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган эди. Бу ерда бешинчи бешйиллик мобайнида меҳнат унумдорлиги 82 процент ошди, маҳсулот ишлаб чиқариш эса 2 баравардан зиёд кўпайди.

Сўнгги ойларда завод новаторлари ўз фаолиятларини активлаштирдилар. Улар детальларни ишлаб чиқариш процессига катта янгиликлар киритдилар. Масалан, изоляторлар ясаш процесси 3 баравар тезлаштирилди. Рационализаторлар 37 та янги асбоб ва аппаратларни ихтиро' қилди. Натижада қўл меҳнати бирнеча марта енгиллашиб, меҳнат унумдорлиги анча ошди, маҳсулот сифати яхшиланди. Новаторларнинг таклифлари 400 минг сўмликка яқин маблағни тежаш имконини берди. Ҳозир корхонада кўпгина ускуналар модернизация қилинаётир. Цехларда янги станоклар ўрнатилмоқда.

Илғор коллектив янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ унумли ишламоқда. Шу кунларда заводнинг барча цехлари смена топшириқларини ошириб бажармоқдалар. Корхона январь ойининг биринчи ўнкунлиги ичида пландан ташқари 80 минг сўмлик турли радио детальларни ишлаб чиқарди. Ишлабчиқариш илғорларидан Понамарева, Турсунов, Хўжаев, Смирнов, Богданов, Кудряшев каби ўртоқлар смена топшириқларини доимо бир ярим-икки баравардан ошириб бажариш блан бирга маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашда ташаббускорлик кўрсатмоқдалар.

**Ғ. ИСМОИЛОВ.**

### Механизаторлар квадрат-уялаб экиш техникасини эгалламоқдалар

Республика қишлоқ хўжалик министрлигида семинар машғулотлари тамом бўлди. Бу семинарда область қишлоқ хўжалик бошқармаларининг раҳбар ходимлари чигитни квадрат-уялаб экиш техникасини ўргандилар.

Сугориладиган деҳқончиликни механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий текшириш институтининг тажриба далаларида семинар қатнашчилари учун далаларни бўлишнинг янги усули кўрсатилди. Илгари бу ин бевосита экиш олдидан агрегат а'золари томонидан бажарилар эди. Бироз бўлса ҳам ноаниқликка йўл қўйилиши квадратларнинг бузилишига олиб борар эди. Эндиликда далалар теодолит ёрдами блан ер тузучи мутахассислар томонидан бўлинади. Далаларни бундай бўлиш шу жиҳатдан қулайки, у пухтароқ ва доимий бўлади, меҳнатни, вақтни ва маблағни кўпроқ тежаш имкониятини беради.

Семинар қатнашчиларига контроль липияларини даланинг ўртасидан унинг бош қисмига ўтказишнинг янада мукаммалроқ усули, сеялкани созлашнинг энг яхши методи ҳам кўрсатилди.

Январь ва февраль ойларида область ва район марказларида ҳам чигит ҳамда маккажўхорини квадрат-уялаб экишнинг янги усулларини ўрганиш юзасидан семинарлар ташкил этилади. Бу семинарларда 60 мингдан ортиқ тракторчи, экучи, ўлчов симлари блан ишловчи колхозчилар қатнашадилар. (ЎзТАГ).

### Бир ме'ёрда ишлаш натижалари

«Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ иш сур'атини оширайлик» деган шиор остида ишлаётган Тошкент канап йигирув-тўқув фабрикасининг коллективи мавжуд ишлабчиқариш майдонлари ва асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш соҳасида яхши натижаларга эришмоқда. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқаришни систематик суратда ошириб бориш мақсадида ҳарбир цех, ҳарбир участканинг график асосида бир ме'ёрда ишлашига алоҳида э'тибор берилмоқда. Бу эса ўз навбатида кунлик, декада топшириқларининг тўла ва ошириб бажарилишини та'миналмоқда. Жумладан, январь ойининг ўтган биринчи ўнкунлигида фабрика коллективи белгиланганидан 1500 метрдан ортиқ тўқима маҳсулотлари ишлаб чиқарди.

Корхонанинг аҳил ва меҳнатсевар коллективи янги йилнинг дастлабки кунларида қўлга киритилган ютуқларни ишлабчиқаришда янги муваффақиятлар блан мустаҳкамлаш ва жонажон партиямизнинг яқинлашиб келаётган XX с'ездини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш мақсадида кучга-куч, гайратга-гайрат қўшиб ишламоқда. С'ездолди меҳнат вахтасида туриб, смена топшириқларини систематик суратда 150 процентдан бажариб келаётган Р. Пўлдошева, А. Асекина, Х. Исроилова, Р. Ҳайитова ва бошқа ўртоқлар нукул а'ло сифатли маҳсулот тайёрламоқдалар.

**З. МУХАММАДЖОНОВ.**

### *Тошкентда иссиқ минерал сув манбаи*

Ўзбекистон пойтахтининг Киров районидаги «Победа» ўрмон паркида 11 январьда иссиқ минерал сув фонтани отилиб чиқабошлади. Бу иссиқ сув чиқадиган чуқур қудуқни пармалаб ковлаш ишлари қисқа муддатларда бажарилди. Қудуқнинг чуқурлиги икки минг метр.

Бу шифоли сувнинг температураси 51 градусга боради. Дастлабки текширишлардан ма'лум бўлишича, бу шифоли сув ўзининг химиявий таркиби жиҳатидан Тошкент яқинидаги минерал сувга ўхшайди, я'ни бу шифоли сув блан ошқозон касалликларини, суяк-бўғин касалликларини ва бошқа касалликларни даволаш мумкин.

Бу янги шифоли минерал сув манбаи шаҳарнинг марказига яқин хушманзара жойда бальнеологик курорт барпо қилиш имкониятини беради. Қилинган ҳисобларга қараганда, бу ўзи отилиб чиқаётган минерал сув блан ҳар кун икки мингдан кўпроқ кишини ванналарда чўмилтириб даволаш мумкин. (ЎзТАГ).

## Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик илғорларидан 1955 йилги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиб, БҚХВ Бош комитети томонидан мукофотланганлар рўйхати

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА**

1. Оржоникидзе районидаги **«Қизил Ўзбекистон»** колхози I даражали диплом блан.
2. Оржоникидзе районидаги **Маленков номли колхоз** I даражали диплом блан.
3. Оржоникидзе районидаги **Киров номли колхоз** I даражали диплом блан.
4. Сирдар'ё районидаги **Охунбобоев номли колхоз** I даражали диплом блан.
5. Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министрлигига қарашли **Тошкент машинаэкскаватор станцияси** II даражали диплом блан.
6. СССР Олий та'лим министрлигига қарашли **Тошкент қишлоқ хўжалик институти** II даражали диплом блан.
7. Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли **Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми** II даражали диплом блан.
8. Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноат товарлари министрлигига қарашли **Ўзглавконсерванинг Юқоричирчиқ районидаги 12-нчи «Қорақалпоқ» совхози** II даражали диплом блан.
9. Калинин районидаги **Энгельс номли 27-нчи ўрта мактаб** II даражали диплом блан.
10. Сирдар'ё районидаги **«Ҳақиқат» колхози** II даражали диплом блан.
11. Юқоричирчиқ районидаги **Свердлов номли колхоз** II даражали диплом блан.
12. Янгийўл шаҳридаги **10-нчи «Қовунчи» боғдорчилик совхози** II даражали диплом блан.
13. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси Абдижамил **Матқобулов** Катта олтин медаль ва «Победа» автомашинаси блан.
14. Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхоз раиси Раҳимберди **Эгамбердиев** Катта олтин медаль ва «Победа» автомашинаси блан.
15. Чиноз районидаги 4-нчи «Вревский» наслчилик совхозининг сут согучиси Мария Ивановна **Елизарова** Катта олтин медаль ва «Балтика» радиоприёмниги блан.
16. Верхне-Волинский районидаги К. Маркс номли колхознинг бригадири Муҳамадин **Орипов** Катта олтин медаль ва мотоцикл блан.
17. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлигининг колхозлар бўйича консультант-тажрибакори, Сталин мукофоти лауреати Ризамат **Мусамуҳамедов** Катта олтин медаль ва «Победа» автомашинаси блан.
18. Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигига қарашли 4-нчи «Вревский» наслчилик совхозининг сут согучиси Умет **Аметов** Катта олтин медаль ва велосипед блан.
19. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг агрономи Степан Селиверстович **Олифиренко** Кичик олтин медаль блан.
20. Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назира **Йўлдошева** Кичик олтин медаль ва тикув машинаси блан.
21. Гулистон районидаги Молотов номли колхознинг бригадири Қобил **Имомов** Кичик олтин медаль ва «Родина» радиоприёмниги блан.
22. Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхоз раисининг ўринбосари Тошпўлат **Усмонов** Кичик олтин медаль блан.
23. Оржоникидзе районидаги Киров номли колхознинг агрономи Азим **Пирматов** Кичик олтин медаль блан.
24. Оржоникидзе районидаги Киров номли колхознинг полеводи Рихси **Нурматов** Кичик олтин медаль ва «Балтика» радиоприёмниги блан.
25. Чиноз МТСининг пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси Василий Никифорович **Бибаров** Кичик олтин медаль ва мотоцикл блан.
26. «Малик» пахтачилик совхози пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси Шакар **Жўратоев** Кичик олтин медаль ва мотоцикл блан.
27. «Ўзбекистон ССР бешйиллиги» пахтачилик совхози пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси Абдувоҳид Норматович **Муротов** Кичик олтин медаль ва мотоцикл блан.
28. Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноат товарлари министрлигига қарашли Юқоричирчиқ районидаги 12-нчи «Қорақалпоқ» боғдорчилик совхозининг директори Георгий Тихонович **Форостенко** Кичик олтин медаль ва «Балтика» радиоприёмниги блан.
29. Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноат товарлари министрлигига қарашли Чиноз районидаги 9-нчи «Вревский» боғдорчилик совхозининг бригадири Шариф **Хўжаев** Кичик олтин медаль ва «Балтика» радиоприёмниги блан.
30. Гулистон районидаги Молотов номли колхознинг звено бошлиги Хусан **Исаев** Кичик олтин медаль блан.
31. Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг сут согучиси Фотима **Ях'ёева** Кичик олтин медаль ва тикув машинаси блан.
32. Янгийўл районидаги Свердлов номли колхознинг сут согучиси Ксения Михайловна **Толмачёва** Кичик олтин медаль ва тикув машинаси блан.
33. Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли колхознинг раиси Асадулло **Убайдуллахўжаев** Кичик олтин медаль ва «Балтика» радиоприёмниги блан.
34. Юқоричирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Дмитрий Александрович **Ким** Кичик олтин медаль блан.
35. Гулистон районидаги Молотов номли колхознинг бригадири Шерали **Мингбоев** Кичик олтин медаль ва велосипед блан.
36. Чиноз районидаги 4-нчи «Вревский» наслчилик совхозининг сут согучиси Мария Петровна **Бондаренко** Кичик олтин медаль ва тикув машинаси блан.
37. Гулистон районидаги Молотов номли колхознинг звено бошлиги Зайтуна **Шокирова** Кичик олтин медаль ва тикув машинаси блан.
38. Октябрь районидаги Калинин номли колхознинг бригадири Умарали **Муҳамедов** Кичик олтин медаль ва «Балтика» радиоприёмниги блан.
39. Чиноз районидаги 4-нчи «Вревский» наслчилик совхозининг сут согучиси Татьяна Ивановна **Дерявко** Кичик олтин медаль ва тикув машинаси блан.
40. Октябрь районидаги Пахта МТСининг пахта териш машинасининг ҳайдовчиси Михаил Балинович **Сухопляц** Кичик олтин медаль ва мотоцикл блан.
41. Оржоникидзе МТСининг Маленков номли колхозидаги трактор бригадасининг бошлиги Ситнебой **Жафаров** Кичик олтин медаль блан.
42. Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигига қарашли Тошкент машинаэкскаватор станциясининг директори Константин Иванович **Карицкий** Кичик олтин медаль блан.

# Тошкент шаҳар XI партия конференцияси

## *11 январь, эрталабки мажлис*

11 январь эрталабки мажлисда Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг иши тўғрисидаги ҳисобот ва Ўзбекистон КП шаҳар комитети ревизия комиссиясининг иши тўғрисидаги ҳисобот муҳокама қилинабошлади. Биринчи бўлиб Тошкент шаҳар Сталин район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Степовая** сўз олади.

— Бутун совет халқи каби Сталин районининг меҳнаткашлари ҳам, — дейди Ўртоқ Степовая, — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'ездини муносиб суратда кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Район саноати бешинчи бешйиллик планни ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўтган йилнинг 15 сентябрида, йиллик планни эса 25 ноябрьда бажарди. Район корхоналарининг коллективлари мамлакатга пландагидан ташқари неча ўн миллион сўмлик маҳсулот бердилар.

Аммо, — дейди Ўртоқ Степовая, — район партия комитети, корхоналарнинг бошланғич партия ташкилотлари социалистик мусобақага ҳали суст раҳбарлик қилмоқдалар, ишлабчиқариш новаторларининг илғор иш тажрибалари етарли даражада оммалаштирмаётирлар. Саноатда ишловчи раҳбар кадрларни танлаш ва тарбиялаш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Райондаги саноат корхоналарида ишловчи раҳбар ходимларнинг кўпчилиги олий ва ўрта техника ма'лумоти бўлмаган практиклардир. Улар ўз билимларини ошириш устида тинмай ишлашлари керак.

Сўнгра Ўртоқ Степовая Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигини, Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлигини танқид қилади. Бу министрликлар ўзларига қарашли корхоналарга ҳали ҳам қоникарсиз раҳбарлик қилмоқдалар. Ўзпромсовет райондаги корхоналарга доир бирқанча масалаларни ҳал этган пайтда кўпинча район ташкилотларининг фикри билан ҳисоблашмайди.

Ўртоқ Степовая шаҳар партия комитети саноат бўлимининг иш стилини танқид қилиб, қуйидагиларни айтди:

Ўтган йил давомида шаҳар партия комитети саноат бўлимининг ходимларидан бironтаси ҳам райкомга келмади. Район партия комитети билан шаҳар партия комитети саноат бўлими ўртасидаги алоқа ёзишмалардан нари ўтмайди. Бирор ма'лумот олиш ёки навбатдаги тадбирларни ўтказиш лозим бўлганидагина бизни эсга оладилар. Шаҳар партия комитети саноат бўлимининг ишини КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг талабларига мувофиқ қайта тузиши керак.

«Ўзбексельмаш» заводи партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Акопов** минбарга чиқади. Ўртоқ Акопов завод коллективи иккита мураккаб янги машинани, я'ни квадрат-уялаб чигит экадиган сеялкалар ва ченглагич-пуркагич машинасини ишлаб чиқараётганлиги ва бошқа мураккаб машиналарни ишлаб чиқариш ўзлаштирилганлиги ҳақида сўзлайди. Бизнинг заводимиз илғор машиналарнинг ба'зи қисм ва деталларини бошқа корхоналардан олар эди, эндиликда ана шу қисм ва деталлар заводимизда ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили 1954 йилдагига нисбатан икки баравар кўпроқ рационализаторлик таклифлари ишлабчиқаришга жорий қилинди. Рационализаторлар орасида ёш мутахассислар кўп, уларнинг 50 процентидан кўпрогини ишчилар ташкил этади.

Партия ташкилоти илғор меҳнат усулларини жорий қилиш, технологияни такомиллаштириш, илғор иш тажрибаларини ўртоқлашиш масалалари билан амалий равишда шуғулланабошлади. Ўқишнинг бошқа формалари билан бир қаторда конкрет экономикани ўрганиш курслари ҳам ташкил этилди.

Ўртоқ Акопов заводнинг ишларини планлаштириш масалаларига кўп э'тибор берди. Планлаштиришнинг нотўғри ўюштирилиши, заказларнинг доимо ўзгартирилиши, пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси чертёжларининг пухта ишланмаслиги бир ме'ёрда ишлашга, корхонада тайёргарлик ишларининг ўз вақтида олиб борилишига имконият бермаётир.

Ўртоқ Акопов сўзининг охирида шаҳар ва область партия комитетларини танқид қилади. Шаҳар ва область партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларига ҳали ҳам эскича раҳбарлик қилмоқдалар.

— Заводда, — дейди Ўртоқ Акопов, — текширишлар кўп ўтказилади, ҳали ҳам жуда кўп комиссиялар юборилмоқда. Аммо улар ишдаги камчиликларни аниқлаш ва уни бартараф қилиш юзасидан бизга тузук ёрдам бермаётирлар. Кўп вақт айни бир масала устида бирнеча ташкилот текшириш ўтказади. Масалан, сентябрь ойида область партия комитети бюросида ишлабчиқариш резервларидан қандай фойдаланаётганимиз тўғрисида ҳисоботимиз эшитилди. Октябрь ойида эса шаҳар партия комитети бюроси заводда илғор меҳнат усулларини қўлланиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Ҳақиқатда эса бу, айни бирхил масаланинг турли ҳомлар билан аталишидан бошқа бир нарса эмас. Комиссиялар тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин. Ўтган йил ноябрь ойида икки комиссия—область ва шаҳар комитетларининг комиссиялари заводимизга келдилар, ана шу ҳар икки комиссия оммавий-агитация ва маданий-тарбиявий ишларнинг аҳволи билан қизиқди. Киров район партия комитетининг декабрь ойида заводимизга келган комиссияси ҳам ана шу масала билан шуғулланди. Бундай комиссиялар жойлардаги аҳволни жиддий ва чуқур ўрганиб, камчиликларни йўқотишга ёрдам берганларида уларнинг тез-тез келиб туришига ҳеч ким э'тироз билдирмас эди. Шаҳар партия комитетининг комиссияси ўз ишини тамомлаб кетиб қолди. Аммо биз комиссия а'золарининг фикри нимадан иборат эканлигини ҳали ҳам билмаймиз. Партия комитетларининг ходимлари бошланғич партия ташкилотларига борганларида, уларга аниқ раҳбарлик қилмоқдалар. Ўзпромсовет райондаги корхоналарга доир бирқанча масалаларни ҳал этган пайтда кўпинча район ташкилотларининг фикри билан ҳисоблашмайди.

Ўртоқ Степовая шаҳар партия комитетининг секретари Ўртоқ **Куломов** КПСС XX с'ездини муносиб кутиб олиш учун зўр тайёрлик кўрилаётган ҳозирги кунларда Тошкенттаги энг йирик саноат районларидан бири бўлган Фрунзе районининг меҳнаткашлари ўртасида сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят ўсганлиги тўғрисида конференция қатнашчиларига сўзлаб берди.

Район партия комитети КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошираборишда, янги техникани ва илғор технологияни ишлабчиқаришга жорий қилиш, рационализаторлик ва ихтиро'чиликни янада ривожлантириш масалалари билан жиддий шуғулланабошлади. Корхоналарда партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг ташаббуси билан техника советларининг иши, техника кутубхоналарининг илғор тажрибаларни оммалаштириш соҳасидаги ишлари анча жонлантирилди. Райондаги корхоналарнинг олий ўқув юртлари билан, айниқса техника олий ўқув юртлари билан алоқаси бирмунча мустаҳкамланди.

Партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг яхшиланиши ҳўжалик ишлари соҳасида катта муваффақиятларга эришишни та'минлади. Район саноати йиллик планни ошириб бажарди. «Таштекстильмаш», тўқимачилик комбинатининг 3-нчи фабрикаси каби корхоналар бирнеча йилдан буён қолоқ корхоналардан, деб ҳисобланар эди. Бу корхоналар ўтган йили планни бажардилар. Корхоналарда маҳсулотларнинг янги турлари ўзлаштирилди, янги цехлар ва янги агрегатлар вужудга келтирилди.

Ўртоқ Ғуломов меҳнаткашларга маиший хизматни яхшилаш масалаларини кўтаради. Район ташкилотлари медицина муассасалари қурилиши учун зарур маблағ ажратишни сўраб Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ва Соғлиқни сақлаш министрлигига кўп марта мурожаат қилдилар. Шаҳар Советининг сессияларида ҳам бу масалалар юзасидан махсус қарорлар қабул қилинди, аммо ш вақтгача бу соҳада ҳеч қандай иш қилинганги йўқ.

Водопровод шохобчалари кенгайтирилмаганлиги орқасида район аҳолиси сув билан яхши та'минланмаган, ба'зи кўчаларда электр чироғлари йўқ, хонадонлар керосин лампаларидан фойдаланишга мажбур бўлмоқдалар. Раҳбар партия ва совет ташкилотлари ўз қарорларини амалга ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак.

## *11 январь, кечки мажлис*

11 январь кечки мажлисда биринчи бўлиб Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри Ўртоқ **Қўқонбоев** сўзга чиқади. Енгил саноат системасидаги корхоналар, — дейди Ўртоқ Қўқонбоев, — меҳнат унумдорлиги планини ошириб бажариб, биринчи сорт маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирган ва маҳсулот таннархини пландагидан анча камайтирган бўлсалар ҳам, уларнинг ишларида нуқсонлар бор. Ишлабчиқариш қувватларидан фойдаланишда, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва ассортиментини кўпайтиришда жиддий нуқсонларни кўрамиз. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сотиш базаларида текширилганда унинг 10—12 процента паст сортга ўтказилиб, қайтадан ишлаш учун корхоналарга қайтариб юборилаётганлигини кўрсатадиган фактлар кўп учрайди. Ишлабчиқаришни ташкил қилишдаги ана шундай жиддий нуқсонлар 1-нчи пойафзал фабрикаси коллективининг маҳсулот сифатини яхшилашга халақит бермоқда.

Бу йил енгил саноат кенг исте'мол товарлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириши лозим. Вазифа — капитал маблағларни кўп сарф қилмай, ишлабчиқариш қувватидан, мавжуд резервларнинг ҳаммасидан фойдаланиш йўли билан кенг исте'мол товарларини кўпроқ ишлаб чиқаришдан иборат. Кўпгина корхоналар маҳсулотнинг сифатини яхшилаш чораларини кўрмоқдалар. Бундан мақсад — Тошкент корхоналарида совет исте'молчисининг доимо ўсиб бораётган талабларига жавоб берадиган бежирим, чиройлик буюмларни кўпроқ ишлаб чиқаришдир.

Куйбишев район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Попов** ўз нутқида райондаги корхоналарда КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақа ғоят қучайиб кетганлиги тўғрисида гапирди. КПСС Марказий Комитети июль Пленумидан кейин район партия комитети амалга оширган ташкилий тадбирлар 1955 йилнинг охиридаёқ яхши натижалар берди. Район корхоналарида қобиқ шаклида қуйиш ва деталь ҳамда инструментларни қисиш учун керакли гидропластмассали асбоблар ўрнатилди ва автомат усулда пайвандлаш ўзлаштирилди. Узлуксиз вулканизация агрегатлари фойдаланишга топширилди.

Аммо эришилган умумий яхши кўрсаткичлар билан бир қаторда райондаги айрим корхоналарнинг ишида жиддий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, республикадаги энг йирик машинасозлик корхонаси ҳисобланган «Ташсельмаш» заводи янги горизонталь-шпиндельли пахта терими машиналари ишлаб чиқариш юзасидан берилган топшириқларни бажармади.

Шаҳар партия комитети, унинг бюроси, аппарат ходимлари райкомларга конкрет ва оператив раҳбарлик қилганларида, бундай камчиликлар юз бўлур эди. Шаҳар партия комитети район партия комитетларининг секретарьлари билан иш олиб бормаётир.

— Ташаббус кўрсатмаслик, — дейди Ўртоқ Попов, — шаҳар партия комитети бўлимлари учун характерли бир ҳолдир. Шаҳар партия комитетининг бўлимлари райкомлар олдига бирор марта ҳам муҳим масала қўйганлиги эсимда йўқ. Шаҳар партия комитетининг саноат бўлими корхоналардаги бошланғич партия ташкилотлари билан яхши алоқа боғлаган эмас. Шаҳар партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтларининг ишлари билан кам шуғулланмоқда. Бу танқид шаҳар партия комитетининг секретарьларига ҳам ва умуман унинг бюросига ҳам таллуқлидир.

Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Абдунабиев** шаҳар ёшларини тарбиялаш масалаларига тўхталиб ўтди. Шаҳарда тарбия ишлари бирмунча яхшиланганлигига қарамай, айрим ёшлар ўртасида ахлоқсизлик каби ярамас ҳоллар учраб туради. Комсомол ташкилотлари ёшлар оммаси ўртасида ўз ишларини кучайтиришлари, йигит ва қизларнинг ҳам олишини яхши ўюштиришлари лозим.

Сўнгра Ўртоқ Абдунабиев Тошкентдаги олий ўқув юртларида ёш мутахассислар тайёрлаш практикасига тўхталб ўтди. Политехника институтини, Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтини тамомлаб чиққан ёшларнинг кўпи, — дейди у, — корхоналарга борганларида ўзларига таниш бўлмаган машина-асбобларга дуч келмоқдалар. Бу тасодифий бир ҳол эмас. Кафедраларнинг раҳбарлари, ишлабчиқариш та'лимини бошқаручилар студентларнинг ишлабчиқариш практикасини ўтказганда бу ишнинг уларга кўпроқ фойда беришига, назарий билимларини практика билан мустаҳкамлашларига эришмаётирлар. Шуни ҳам айтиш керакки, саноат корхоналарининг ба'зи раҳбарлари студентларнинг ишлабчиқариш практикасига иккинчи даражали иш деб қарамоқдалар.

Олий та'лим министрлиги мутахассислар тайёрлаш масалаларига жиддий э'тибор бермаётир. Тўқимачилик институти ўтган йили Министрликдан янги ўқув плани олди. Бу план бирқанча ихтисослар бўйича ишлабчиқариш та'лими учун ажратилган вақтни янада камайтиради. Темир йўл транспорти инженерлари институти эксплуатация бўлими студентларига ишлабчиқариш практикасини ўтиш учун белгиланган вақт мутлақо етарли эмас.

Партия комитетлари ёш мутахассислар тайёрлаш иши қандай қўйилганлигига э'тибор беришлари, бу ишдаги нуқсонларни йўқотишлари лозим.

Тошкент темир йўл узели партия комитетининг секретари Ўртоқ **Орлов** сўз олади. Ўртоқ Орлов айтдики, ўтган йили Тошкент темирйўлчилари анча катта муваффақиятларга эришдилар. Юк ортиш ва юк туширши планлари ошириб бажарилди, вагонларнинг оборoти тезлаштирилди, машинистлар оғир юкли поездларни бошқариб боробошладилар. Узелдаги барча корхоналар рентабель ишламоқда. Партиявий-сиёсий ишларни юксак даражага кўтариш, транспорт корхоналарининг экономикасини пухта ўрганиш натижасида ана шу кўрсаткичларга эришилди.

Сўнгра Ўртоқ Орлов йўлларда вагонларнинг бекор туришига йўл қўяётган ба'зи хўжалик ходимларини танқид қилади. «Ташсельмаш» заводида бу иш жуда ёмон аҳволда. Заводда вагонларнинг бекор туриш нормалари икки баравар ошириб юборилмоқда. «Ташсельмаш» заводи фақат ўтган йилнинг ўзидагина темир йўлга 67 минг сўм штраф тўлади. «Ўзбексельмаш», «Ташкенткабель» заводларида, I-нчи ва 2-нчи ун комбинатларида, «Заготзерно» базасида ҳам вагонларнинг кўп вақт бекор туришига йўл қўйилмоқда.

Аҳоли ўртасида маданий-оммавий ишларни ўюштиришда, — дейди Ўртоқ Орлов, — жиддий камчиликлар бор. 25 мингдан ортиқ темирйўлчи ва уларнинг оила а'золари яшаётган Шумилов шаҳарчасида маданий-оқартув муассасалари жуда кам. Бу шаҳарчадаги кутубхона, клуб биноси талабга жавоб бермайди. Аҳоли ўртасида идеология ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги руҳонийларга қўл келмоқда. Лекин шунга қарамай, шаҳар партия комитети ва шунингдек Ленин район партия комитети агитация ва пропаганда бўлимларининг ходимлари ана шу шаҳарчада жуда камдан-кам бўладилар.

Москва район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Исломов** ўз корхоналарининг эҳтиёжларини яхши билмаган бирқанча министрликларнинг ишларини танқид қилди.

— Қурилиш ташкилотлари, — дейди Ўртоқ Исломов, — ёмон ишламоқда. Улар ҳозирги вақтда партия, ҳукумат, халқ томонидан ўз олдиларига қўйилаётган жуда муҳим талабларни бажармаётирлар. Ўртоқ Пожаров бошчилигидаги «Гидроэнергострой» трести давлат планларини бирнеча йилдан буён бажармай келмоқда. Бунинг учун СССР Электростанциялар министрлиги ҳам айбдор. Бу министрлик қурилишларни планлаштиргани ҳолда, уларни зарур моддий-техника базаси билан та'минламаётир. «Средазпродстрой», «Узгидрострой» белгиланган планларини бажармадилар. Масалан, «Узгидрострой» трести Навоий ва Полиграфия кўчалари бурчагидаги бинони қуриш билан бирнеча йилдан буён овора бўлиб келмоқда. Ана шу давр ичида бинони қўрилиш учунгина 150 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди!

Киностудия, газета-журнал комбинати биноларини қуришда ҳам худди шундай аҳвол юз бермоқда.

Ўртоқ Исломов шаҳар партия комитетининг ходимларини бошланғич партия ташкилотларига онда-сондагина келаётганликлари учун танқид қилди. Шаҳар партия комитетининг ходимлари қарахт ёзишмалар учун қўлгони аямайдилар. Москва район партия комитети бир йил ичида шаҳар партия комитетидан 558 та, область партия комитетидан 340 та ҳархил қарор олди. Қоғозбозликка барҳам бериб, — дейди Ўртоқ Исломов, —амалий ташкилотчилик ишлари билан кўпроқ шуғулланиш керак.

Шундан кейин конференция мандат комиссиясининг докладини эшитди ва тасдиқлади. Ўртоқ **Шкуратов** мандат комиссиясининг докладини қилди.

Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири Ўртоқ **Тожиев** ўз сўзида политехника та'лими тўғрисида гапирди.

Кейинги икки йил ичида мактабларнинг ўқув программалари тубдан қайта кўриб чиқилди. Бошланғич синфларга меҳнат дарси киритилди, 5 ва 6-нчи синфларда шу йилдан бошлаб дурадгорлик ва слесарьлик ишлари практикаси жорий қилинди, юқори синфларда машинасозлик, автомобиль иши, электротехника соҳасида практика ўтказилмоқда. Ўқитувчилар завод ва фабрикаларга ўқувчиларнинг экскурсияларини ташкил этмоқдалар, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ўқув кабинетлари ҳамда лабораторияларида ўқувчилар билан тажриба ишлари олиб бормоқдалар. Бунинг натижасида ўқувчилар физика, химия, биология фанларини яхши ўзлаштирмоқдалар, назарияни практика билан қандай боғлаш кераклигини билиб олмоқдалар.

Аммо умуман олганда шаҳардаги мактабларда ўқув процессини политехнизациялаш қоникарли эмас. Кўпгина мактабларда шу вақтгача ўқиш устахоналари йўқ. Заводлар ўз оталикларидаги мактабларнинг ўқиш устахоналарини асбоблар билан та'минлашда уларга зарур ёрдам бермаётирлар. Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлиги, Таштрам ва бошқа кўпгина корхона ҳамда муассасалар мактабларга оталик йўли билан берадиган асбоб-ускуналари учун пул тўлашни талаб қилмоқдалар.

Ўртоқ Тожиев мактаб бинолари қурилиши мутлақо қоникарсиз эканлигига конференция қатнашчиларининг э'тиборини жалб этади.

Йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари мактаб бинолари қурилишига етарли э'тибор бермаётирлар. Тўқимачилик комбинати, Каганович номли завод, Йўллар министрлигига қарашли машинасозлик заводи, Абразив заводи ва бошқа корхоналар бирнеча йилдан буён бирорта ҳам мактаб биноси қурмадилар, ҳолбуки ана шу корхоналар кенг миқ'ёсда уй-жой қурилиши ишларини олиб бормоқдалар. 32-нчи қурилиш трести уч йилдан буён 110-нчи мактаб биносини қурмоқда, лекин у шу чоққача фақат бинонинг фундаментинигина қўйиб бўлди.

Ўртоқ Тожиев мактабларни ўқитучи кадрлар билан та'минлаш масаласига тўхтаб ўтди. Физика, тарих, она тили ўқитучилари етишмаётир. Олий ўқув юртларига қабул ишларининг нотўғри планлаштирилиши орқасида шундай нуқсонлар юз бермоқда. Олий ўқув юртларида физика, тарих ўқитучилари кам етиштирилмоқда. Шу сабаблан мактабларни зарур ўқитучилар билан та'минлаш ҳақидаги талаблар йилсайин қондирилмаётир.

Октябрь район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Шоисломов** идеология ишлари масалаларига тўхталиб ўтди.

— Ўзбекистон КП Марказий Комитети, область, шаҳар партия комитетининг ходимлари, — дейди Ўртоқ Шоисломов, — партия пропагандаси, сиёсий агитациянинг қўйилишини ўрганиш, ишимиздаги камчиликларнинг сабабларини аниқ билиб олиб, нуқсонларни йўқотишда ёрдам бериш мақсадида бизнинг районимизга келганларини билмайман. Раҳбар партия ходимлари одатда ободончилик ишлари ёки бошқа бирон хўжалик масалалари кўтарилган пайтда районимизга келадилар. Марказий Комитет, область ва шаҳар партия комитетларининг ходимлари, совет ташкилотларининг раҳбарлари, хусусан министрлар сиёсий агитация ишларида қатнашмаётирлар, меҳнаткашлар ўртасида доклад ва лекциялар ўқимаётирлар.

Илмий-атеистик пропаганда идеология ишларининг энг муҳим участкаларидан биридир. Аммо шаҳар партия комитети эса кўпинча бу ишдаги камчиликларни қайд қилиш билангина чекланиб қолмоқда.

Октябрь район партия конференциясида, район партия активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида хотин-қизлар ўртасидаги тарбия ишларида жиддий камчиликлар борлиги очиб ташланди. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари хотин-қизларни фойдали ижтимоий меҳнатга кенг жалб этиш ва уларнинг корхоналарда ишлаши учун зарур шароит вужудга келтириш йўлида тегишли чораларни кўрмаётганликлари та'кидланди. Бизнинг районимизда болаларини боқчаларга жойлаштираолмаганликлари сабабли ҳечқаерда ишламаётган мингларча аёллар бор. Район территориясида жойлашган министрликлар, бошқармалар ва корхоналарнинг раҳбарлари болалар боқчаларига ва яслилар бинолари қуриш тўғрисида ғамхўрлик қилмаётирлар. 1-нчи босмахонада кўпгина болали аёллар ишлайди. Босмахона раҳбарлари болалар боқчаси ва яслилар қуриш учун маблағ ажратишни Ўзбекистон СР Маданият министрлигидан кўп марта илтимос қилдилар, аммо бу масала шу пайттача ҳал этилган эмас.

Ўртоқ Шоисломов айтдики, «Ўзбекистон хотин-қизлари журнали» хотин-қизлар ўртасидаги ишларни яхшилашда катта роль ўйнаши керак. Аммо журнал редакцияси хотин-қизлар оммаси билан маҳкам боғланган эмас. Журналнинг редактори Ўртоқ Зулфия район партия комитетининг районда журнал ўқучилари конференциясини ўтказиш тўғрисидаги таклифига э'тибор бермади.

7-нчи спирт-вино ва арақ заводи партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Каримов**га сўз берилади. Ўртоқ Каримов савдо ходимларининг сафи тасодифий, виждонсиз элементлар билан ифлосланганлигига доир фактларни келтиради. Масалан, Ташпромторгни олиб кўрайлик. Ташпромторгда жуда кўп растрат қилган шахсларни ишга қабул қиладилар. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги савдо системасига қабул қилинадиган кишиларни аввал пухта текшириб кўрмаётир.

Ўрта Осиё политехника институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Ўртоқ **Сигов** Тошкентдаги олий ўқув юртларида ўқиш-методика ишлари ва илмий ишларни яхши ташкил қилиш учун зарур шароит яратиб берилмаганини уқдириб ўтди. Олий та'лим министрлиги томонидан ҳар йили ўқув планларида катта камчиликлар бор. Шундай бир фактни олиб кўрайлик. Ўрта Осиё политехника институтининг энергетика факультети 4 йил-у 10 ой ичида инженерлар тайёрлаб чиқаради, Ленинград, Москва, Томск, Свердловсклдаги шундай факультетлар олти йиллик ўқув планига эгадир.

Ишлабчиқариш практикаси тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин. Ишлабчиқариш практикаси планлари Москвадаги ўқув юртларига мослаб тузилади. Бунинг натижасида биз студентларни малакали раҳбарларсиз практикага юборишга мажбур бўлмоқдамиз, чунки практика даври диплом проектлари тузиш пайтига тўғри келади.

Тошкентда олий ўқув юртлари биноларини қуриш учун Олий та'лим министрлиги томонидан ҳар йили ажратилаётган маблағлардан яхши фойдаланилмаётир. Бинокорлик ташкилотлари ўқув корпуслари қуриш ишини тезлаштирмаётирлар, шаҳардаги олий ўқув юртларидан бирортаси ҳам ўз биноси билан махтанаолмайди. Политехника институти бу жиҳатдан ғоят катта қийинчилик кўрмоқда.

Шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Ўртоқ **Мусохонова** қуйидагиларни айтади:

Партия ва ҳукумат Тошкент шаҳрида уй-жой ва маданий бинолар қурилишини кенг миқ'ёсда олиб бориш тўғрисида, республика пойтахтини обод қилиш тўғрисида, меҳнаткашларнинг маиший-турмуш шароитини яхшилаш ҳақида доим ғамхўрлик қилмоқдалар. Кейинги йил ичида шаҳар ободончилиги соҳасида кўп иш қилинди. Агар бу ишларга ажратилган маблағлардан ўз вақтида фойдаланилганида, бу соҳада анча кўпроқ иш қилиш мумкин эди. Биз кейинги бешйилликда уй-жой ва маданий-маиший қурилишга ажратилган маблағларнинг атиги 69 процентини ўзлаштирдик. Меҳнаткашлар 140 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой ололмай қолдилар.

Капитал қурилиш планининг қоникарли бажарилмаётганлигига асосий сабаб шуки, шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг қурилиш ташкилотларига раҳбарлиги юксак даражага кўтарилган эмас. Маблағлар ва қурилиш материалларининг сочиб юборилганлиги, қурилиш ташкилотлари сонининг кўплиги, заказ олуви корхоналар раҳбарларининг қурилишларни проект-смета ҳужжатлари билан, қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналар билан та'минлашга мас'улиятсизлик билан қараётганликлари қурилиш ишларининг сур'атига ёмон та'сир кўрсатмоқда.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети Москва, Ленинград, Киев ва Минскдаги илғор қурилиш ташкилотларининг тажрибаларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети олдига барча қурилиш ташкилотларини бирлаштириб, битта йирик қурилиш ташкилоти— «Главташкентстрой»га айлантириш масаласини қўйди. Ҳозирги вақтда Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигини тузиш масаласини ҳал этмоқда. «Главташкентстрой» ҳам ана шу министрлик составига киради. Бунда уй-жой, мактаб, касалхона, болалар муассасалари ва коммунал-маиший муассасалар қурилишига ажратиладиган барча маблағларни шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги қурилиш ташкилоти орқали сарфлаш кўзда тутилади. «Главташкентстрой» заказ олуви бирдан-бир ташкилот бўлиб, шаҳарни ривожлантириш ва реконструкция қилиш бош планига мувофиқ шаҳардаги қурилиш ишларини олиб бориши керак.

Шунингдек Ўртоқ Мусохонова якин келгусида шаҳарни обод қилиш планлари тўғрисида, капитал қурилиш ишларига раҳбарликни тубдан яхшилаш тадбирлари ҳақида ҳам гапирди.

Музокараларда Тошкент шаҳар милиция бошқармасининг бошлиғи **Қаландаров**, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти партия бюросининг секретари **Қулибоев** Ўртоқлар ҳам қатнашдилар.

## *12 январь, эрталабки мажлис*

12 январь эрталабки мажлисда шаҳар партия комитети ҳисобот доклади ва Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ревизия комиссиясининг ҳисоботини муҳокама қилиш давом этди.

Сўз республика давлат банкасининг бошқаручиси Ўртоқ Федотовга берилади. Ўртоқ Федотов республика пойтахти корхоналарининг экономикасига таллуқли қатор муҳим масалаларга тўхталди.

— Ўтган йили, — деди Ўртоқ Федотов, — шаҳар корхоналарининг кўпчилигида меҳнат унумдорлигини ошириш, технологияни такомиллаштириш, ишлабчиқариш нормаларини қайта кўриб чиқиш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирлар ишчи фондини харажат қилишда бирмунча маблағни иқтисод қилиш имкониятини берди. Лекин шунга қарамай, шаҳар корхоналарида умуман иш ҳақини ошиқча сарфлашга йўл қўйилмоқда. Бу соҳада айниқса «Ташсельмаш» заводи (директори Ўртоқ Оттигашев)да ва «Ўзбексельмаш» заводи (директори Ўртоқ Стикайло)да аҳвол айниқса ёмондир. Бу корхоналарда иш ҳақининг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсишига қараганда анча олдинда бормоқда. 32-нчи қуриш трестида ҳам худди ана шундай аҳволни кўрамиз.

Нормал бўлмаган бу аҳволнинг сабаби шундан иборатки, — деди ўз сўзида давом этиб Ўртоқ Федотов, — корхоналарда штурмчиликка барҳам берилмаган, камайтирилган, я'ни ишлабчиқаришнинг тажриба-статистик нормалари ҳануз кенг қўлланилмоқда.

Бу ҳол меҳнат унумдорлигини оширишга салбий та'сир кўрсатмоқда.

Шундан сўнг Ўртоқ Федотов маҳсулот таннархини камайтириш билан боғлиқ бўлган масалаларга тўхталди. Бирқатор корхоналар, шу жумладан, «Ташкенткабель» заводи (директори Ўртоқ Сафонов) ва экскаватор заводи (директори Ўртоқ Терентьев) маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан белгиланган плани бажармаётирлар, бракка, унумсиз харажатларга ва бажарилаётган ишларнинг қимматини ошириб юборишга йўл қўйилмоқда.

— Бизнинг ишлабчиқариш ходимларимиз, — дейди Ўртоқ Федотов, — корхоналарнинг экономикасини қунт билан ўрганишга, хозрасчётни қат'ий равишда амалга оширишга, корхонанинг рентабеллигини оширишни та'минлашга, технология процессларини узлуксиз равишда такомиллаштириб боришга мажбурдирлар. Лекин шунга қарамай, кўпчилик корхоналарда янги техниканы жорий қилиш, оғир иш процессларини механизациялаштириш учун ажратилган маблағлардан етарли фойдаланилмаётир. Ўтган йили давлат банкаси бу мақсадлар учун 1954 йилдагига қарагандa анча кўп маблағ берди, аммо берилган ссудалардан фойдаланиш ҳануз кенг йўлга қўйилгани йўқ. Асосан ссудани кўпроқ «Б» группасидаги (исте'мол буюмлари ишлабчиқаручи) корхоналар олмоқдалар. «А» группасидаги (ишлабчиқариш қуроллари ишлабчиқаручи) корхоналар эса давлат банкасидан деярли ссуда олмаётирлар.

Шу нарса аниқ ма'лумки, шаҳардаги кўпгина корхоналарда оғир меҳнат талаб қиладиган иш процессларини механизациялаштириш иши талабга жавоб бермайди. «Ўзбексельмаш» заводини олиб кўрайлик. Бу ерда ички транспорт тартибга келтирилмаган, эритилган чўянни қуйиш қўл билан бажарилади. Корхонада ишлабчиқаришни такомиллаштириш юзасидан кўпгина ишлар қилиниши лозим.

Ўртоқ Федотов ўз сўзининг охирида кўрсатиб ўтдики, шаҳар партия комитети ва унинг саноат бўлими ишлабчиқариш экономикасига чуқур аралашмаётирлар, саноат корхоналарининг экономик фаолияти кўрсаткичлари ҳақида банка томонидан берилган ма'лумотларни етарли равишда ўрганмаётирлар. Бу хилдаги ҳужжатлардан фақат ҳисобот докладлари тузиш ва бошқа шунга ўхшаган ҳолларда фойдаланилмоқда.

Трибунага Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари Ўртоқ **Попов** чиқади. Ўртоқ Попов шаҳар партия ташкилоти хўжалик ва партиявий иш соҳасида эришган ютуқларни кўрсатиш билан бир қаторда, ҳали ҳал қилинмаган жуда кўп вазифалар борлигини кўрсатди ва конференция қатнашчиларининг э'тиборини анашу масалага жалб этди.

— Мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини янада юксалтириш юзасидан КПСС Марказий Комитети Пленумлари томонидан қўйилган вазифалар, — деди Ўртоқ Попов, — партия иши методи ва стилини қат'ий яхшилашни талаб этади. Шаҳар партия ташкилоти, даставвал, ҳарбир корхона томонидан давлат планларининг бажарилишини та'минлаши лозимлигини алоҳида та'кидлаб кўрсатди. Шунга қарамай бу муҳим масалада ҳали жиддий камчиликлар бор. Шаҳардаги 26 корхона давлат планларини бажараолмади ва бирнеча ўн миллион сўмлик маҳсулотни кам берди. Ишлабчиқариш масалалари партия комитетларининг бюро ва пленумларида, партия ва касаба союз йиғилишларида тез-тез муҳокама қилинади, қарорлар қабул қилинади, янги тадбирлар ишлаб чиқилади. Лекин шуниси ачинарлики, ишдаги кўпгина камчиликлар илгаригисича қолаберади.

Кўпгина партия комитетлари кўп ҳолларда омма ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни олиб бориш ўрнига мажлисбозлик билан шуғулланадилар, ўзлари қабул қилган қарорларнинг бажарилишини та'минламайдилар. Буни Ленин район партия комитети мисолида кўриш мумкин. Райондаги электротехника заводи икки йилдан буён давлат планларини бажармай келмоқда, район партия комитети эса корхона ишини яхшилаш юзасидан зарур чоралар кўрмади. «Қизил тонг» фабрикасида меҳнат унумдорлиги ошиш ўрнига пасайиб кетди. Шунингдек Фрунзе район партия комитети ҳам ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилишини та'минлаш юзасидан етарли ташкилотчилик ишлари олиб бормаётир.

Сўнгра Ўртоқ Попов қишлоқ хўжалигида меҳнаткашларнинг колхоз-совхоз ишлабчиқаришини янада ривожлантириш юзасидан олиб бораётган курашларига шаҳар корхоналари томонидан максимал ёрдам берилишини ташкил этиш масалаларига тўхтали.

— СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. А. Булганин ва КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчев иштирокида яқинда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик илғорларининг Республика кенгашида,

ИШЛАБЧИҚАРИШНИНГ ДОНГДОР КОМАНДИРЛАРИ

# УЧАСТКА МАСТЕРИ

Коммунист ўртоқ Изетов Ўрта Осиё химия машинасозлиги заводининг 1-нчи цехида мастер бўлиб ишлайди. У, кўпйиллик иш давомида бой тажриба ортдирди. КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарори газетада э'лон қилинган-дан сўнг участка коллективи ўртасида бу муҳим тарихий хужжат моддама-модда ўрганиб чиқилди. Изетов бошлиқ смена ишчилари қарорда кўрсатилган вазифалар асосида ўз зиммаларига оширилган мажбурият олдилар. Бу янги мажбурият ўз навбатида участка мастеридан ишни қайта қуришни талаб қиларди.

«Мен мастер сифатида мехнатни шундай ташкил қилишим керакки, ҳарбир ишчи ўз смена нормасини тўла ва ошириб бажарадиган бўлсин», деб ўйларди Изетов. У, ҳарбир ишчининг етарли топшириқ блан та'минланган бўлишига алоҳида э'тибор берабошлади, натижада арзимаган сабаблар блан ишчиларнинг бекор туриб қолишлари сезиларли даражада камайди.

Илгарилари участкага заготовкалар кўпинча кечикиб келарди. Бундай аҳволнинг олдини олиш учун мастер Изетов смена ишчиларига кунлик нормани бир кун илгари белгилаб берадиган бўлди. Асосий детальлар учун заготовка етишмай қолган вақтларда, участка мастери асбоб-ускуналарнинг бекор туриб қолишининг олдини олиш мақсадида ишчиларга запасда заготовкаси бўлган бошқа детальларни тайёрлаш ҳақида кўрсатма беради. Шу блан бирга, у ҳарбир ишчини заготовка келиши бланоқ дарҳол асосий иш блан шуғулланиши кераклиги ҳақида огоҳлантириб қўяди. Бу тадбир ишчилар ва ускуналарнинг бекор туриб қолишини минимумгача камайтириш имконини бераётир.

Ма'лумки, иш жойини олдиндан ўйлаб, пухта ташкил қилиш, ишлабчиқариш маданиятини юксалтириш цех ва участкаларнинг иқтисодий кўрсаткичларини тобора яхшилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли участканинг ҳарбир ишчиси ишга смена бошланмасдан 15—20 минут илгари келиб, зарур инструментларни олади, ўз иш жойини тайёрлайди.

Ўтган ойнинг охирларида цехда қирқучи инструментнинг етишмаётганлиги сезилиб қолди. Бу эса ўз навбатида иш сур'атини янада оширишга халақит берабошлади. Мастер бу камчиликнинг олдини олиш ҳақида кўп бош қотирди. Ҳарбир станок олдига ишчининг ҳамма инструмент ва асбобларини сақлаши учун тумбочкалар ўрнатилди. Лекин бу тадбир ҳам кутилган натижаларни бермади.

Металларни тешучи ўртоқ Ткаченко инструментдан усталик блан фойдаланади, уни доим эҳтиёт қилади. Ткаченконинг инструмент етишмаганлигидан бекор турганини сра кўрмайсиз. Бир куни мастер Ткаченкодан ўз иш тажрибасини участка ишчиларига сўзлаб беришни илтимос қилди. Илғор ишчи мастернинг бу таклифига рози бўлди. У, ишчиларга қирқув асбобларидан кўп марта фойдаланиш туфайли улардан унумли фойдаланишга эришаётганлиги ҳақида сўзлаб берди. Ўртоқ Ткаченконинг тажрибаси тез кунда участка ишчилари томонидан кенг қўлланилабошланди ва қисқа муддат ичида ўзининг ижобий натижаларини берди.

Бевосита кишилар орасида иш олиб бормай туриб муваффақиятга эришиб бўлмаслигини яхши тушунган Изетов участка коллективи блан ишлашга алоҳида э'тибор берди. У, раҳбарлик қилаётган механика участкаси кучли компрессорлар учун деталь тайёрлаб беришдек муҳим ва мас'улиятли вазифани бажаради. Участкада токарьлар, фрезеровщиклар, пардозловчилар, пармаловчилар ва слесарьлар ишлайди. Тайёрланаётган детальлар компрессорларнинг муҳим қисми бўлганлиги учун жуда аниқлик блан ишланишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ишчининг малақасига, қандай ишлашига ва ҳарбир ишчининг ўз тажрибасини бошқаларга ўргатишига боғлиқдир. Илгари заводда ва жумладан цехда бундай масалаларга жиддий э'тибор берилмаеди. КПСС Марказий Комитети июль Пленумидан сўнг цех ва участкаларда ҳарбир ишчи томонидан смена нормасининг ошириб бажарилишини та'миллашга алоҳида э'тибор берилабошланди.

— Илғорларнинг иш тажрибасини оммалаштириш, — дейди ўртоқ Изетов, — барча ғалабаларимизнинг гаровидир.

Ишчи Елесеев детальларни шлифовка қилишда юқори кўрсаткичларга эришиб, бутун цехда донг торатди. У, компрессорларнинг блокларини, шатунларини ва бошқа детальларни шлифовка қилишда смена нормасини 300 процентга етказиб бажарди. Одатда доира шаклидаги детальлар икки марказ оралигида маҳкамланиб, айланиб кетмаслиги учун хомутиклар блан қисиб қўйилар эди. Бундай усул блан ишланганда детальларнинг сифати кўпинча кўнгилдагидек чиқмас эди. Ўртоқ Елесеев шлифовка қилишнинг осон ва унумли йўлини топди. У, ўз станогига махсус мослама ўрнатди, бу мослама меҳнат унумдорлигини ошириш блан бирга, маҳсулот сифатини анча яхшилади. Шу кунларда донгдор шлифовщикнинг иш усули участка коллективи ўртасида оммалаштирилмоқда.

Участканинг илғор ишчилари — токарьлар Аживафаил, Чашчин, Еременко ва бошқа ўртоқлар ўз нормаларини систематик равишда ошириб бажариш блан бирга, кўплаб рационализаторлик таклифлари киритиб янги мосламалар ихтиро' қилмоқдалар. Бу ишларда мастер новаторларга яқиндан амалий ёрдам бермоқда. Илгари тўрт ва олтиқиррали болтларнинг учи битта фреза блан текисланарди. Демак, олти қиррани текислаш учун болтни 6 марта айлантириш лозим эди. Участка рационализаторлари ўзаро маслаҳатлашиб, болт қирраларини бирйўла иккита фреза блан текислайдиган мослама яратдилар. Бу тадбир меҳнат унумдорлигини икки марта оширди.

Мастер Изетов ҳарбир ишчининг қобилиятига ва малакасига қараб топшириқ беради. Тезкор метод блан ишлайдиган ишчиларга олдиндан қўшимча заготовкалар тайёрлатиб қўяди. У, ёш ишчилар ва шогирдларга алоҳида а'тибор блан қарайди. Изетовнинг ғамхўрлиги ва смена коллективининг ёрдами туфайли Квасов ва Буенко каби ёш ишчилар токарьлик касбини пухта эгаллаб олдилар. Бу ёш ишчилар шу кунларда мураккаб иш — шатунларга ишлов бериш нормасини 120 процентга етказиб бажараётирлар.

Тажрибали ва ташаббускор участка мастери турли йўллар блан ишчиларни топширилган иш юзасидан жавобгарликни ҳис қилиш, доимо янгиликка интилиш, эришилган ютуқлар блан хотиржам бўлиб қолмаслик руҳида тарбияламоқда. Участкада ўтказиладиган пятиминуткаларда кундалик ишдаги ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилинади, илғорлар тажрибаси ўртоқлашилади. Бундай тадбирлар кунлик ва ойлик топшириқларнинг ошириб бажарилишини та'минламоқда. Шу кунларда Ўртоқ Изетов раҳбарлик қилаётган смена ишчилари КПСС XX с'ездини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун социалистик мусобақа байроғини ҳарқачонгидан ҳам баланд кўтариб ишламоқдалар.

**В. СКОРОДУМОВ.**



Оржоникидзе МТСининг универсалчиси ўртоқ Олим Саидаҳмедов ўзи бошқараётган трактор ремонтини муддатидан илгари юқори сифат блан тамомлади. Суратда **О. Саидаҳмедов** иш устида.

**В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.**

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

## Совхоз ишчиларининг талаби қондирилсин

«Қибрай» узумчилик совхозининг ишчилари бирнеча йилдан бери узумдан мўл ҳосил етиштириб, давлат планини ортиги блан бажариб келмоқдалар. Ишчиларнинг совхоз экономикасини юксалтириш учун тинмай курашаётганликларига қарамай, совхоз раҳбарлари уларнинг маданий ва маиший эҳтиёжларини қондириш тўғрисидаги етарли ғамхўрлик қилмаётирлар.

Масалан, совхознинг 2 ва 3-нчи бўлимларига электр келтириш тўғрисидаги ишчиларнинг талаблари бирнеча йилдан бери оқибатсиз қолиб келмоқда. Совхоз бошқармаси олдидан Қибрай ГЭС линияси ўтган. Бошқарма, 1-нчи бўлим ва вино заводига шу линиядан электр қуввати келтирилган. Агар 2 километр масофага сим тортилса, 2 ва 3-нчи бўлимларни ҳам электр нурлари блан ёритиш мумкин. Бундан ташқари, совхозда радиолаштириш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. 1955 йил май ойида 3-нчи бўлимга радио сими тортиб келтирилди-ю, шу блан иш тўхтатиб қўйилди. Бу иш бошланганда 2-нчи бўлим ишчилари бизнинг уйимизга ҳам радиоточкалари тушириларр экан, деб умидвор бўлган эдилар. Лекин уларнинг бу умиди совхоз раҳбарларининг кам ҳафсалалиги блан рўёбга чиқмай қолди.

Совхознинг 3-нчи бўлимида ясли очилмаганлиги ва кенг истe'мол товарлари блан савдо қилучи магазиннинг йўқлиги ҳам меҳнат унумдорлигига салбий та'сир кўрсатмоқда. Бунинг натижасида ёш болали аёллар ишга чиқаолмаётирлар. ишчилар исте'мол учун зарур нарсаларни сотиб олиш учун узоқ жойларга боришга мажбур бўлмоқдалар. Совхозда ишчиларни уй-жой блан та'минлаш, мавжуд уйларни капитал ремонт қилиш ишларига ҳам сра аҳамият берилмаётир. 3-нчи бўлимдаги 10 та уй қурилганига 10 йилдан ошиб кетганига қарамай, ҳалигача капитал ремонт қилинтани йўқ.

Бу бўлимларда ишчилар ўртасида оммавий-сиёсий тадбирларни амалга ошириш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ишчилар учун актуаль темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилмайди, газета витриналари ташкил қилинмаган. 2 ва 3-нчи бўлимларда кутубхона ташкил қилинмаган.

Юқоридаги камчиликлар совхоз директори Пугачева, ишчилар комитетининг раиси Велишаев, партия ташқилотининг секретари Касман ўртоқларга ма'лум. Бу ҳақда ишчилар совхоз раҳбарларига бирнеча марта шикоят қилганлар. Бироқ улар совхоз ишчиларининг ҳақли талабларига қулоқ солмаётирлар, ишчиларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш учун зарур тадбирларни амалга оширмаётирлар.

**Т. УРУНОВ.**

## „Пионер" журналининг биринчи сони

Болалар адабий-бадиий журнали «Пионер»нинг бу сони СССР Министрлар Советининг Раиси Николай Александрович Булганин, СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Никита Сергеевич Хрушчев ва уларнинг ҳамроҳлари дўстлик визити блан Ҳиндистон, Бирма ва Афғонистонга қилган саёҳатлари ва уларнинг Тошкентда бўлган вақтларини тасвирловчи фото-суратлар ва «Дўстлик визити» сарлавҳали мақола блан очилади.

Ёзучи Раҳмат Файзийнинг «Энг катта арча» сарлавҳали ҳикояси, Қудус Муҳаммадийнинг «Раҳмат йўл қуручиларга», Тўлқин Иноомҳўжаевнинг «Қор ёққанда», Ҳайриддин Салоҳиддиновнинг «Янги ерда янги йил», Шукурулланинг «Қиш қўвончи» сарлавҳали ше'рлари, география фанлари кандидати Ҳ. Ҳасановнинг фото-суратлар блан тасвирланган «Шимолий Қутб»да» сарлавҳали мақоласи, Жонрид Абдуллаховнинг «Қизил юлдуз», Ёқубжон Шукуровнинг «Грасиано» сарлавҳали ҳикоялари, «Қаҳрамонлар ҳақида ҳикоялар» деган рубрика остида А. Раҳматнинг «Тоштемир Рустамов» сарлавҳали очерки берилган.

«Ҳар соҳадан бир шингил» рубрикаси остида «Мангустанинг кобрани енгиши», «Каркидон-қуш», «Катталь», «Кичик Венеция», «Сутдан ачитиб тайёрланган озиқларнинг аҳамияти», «Илон оғзи ва аждаҳо оғзи» сарлавҳали кўпгина кичик-кичик мақолалар ва бошқа болалар тарбиясига бағишланган материаллар босилган.

## *Тошкентда дарахт кўчатлари ўтқазиш*

Тошкент шаҳар ободончилик бўлимининг ҳодимлари кузги дарахт ўтқазиш мавсумини намунали ўтказдилар. Шаҳардаги барча район кўчаларига, майдон атрофларига 100 минг туп ҳархил дарахт кўчатлари, 800 минг тупдан ортиқ эрта баҳорда гулловчи кўпйиллик гуллар ўтқазилди.

# А. С. ПОПОВ

(Вафотига 50 йил тўлиши муносабати блан)

Машҳур кашфиётчи, олим ва педагог А. С. Попов ўз юртининг отаси ватанпарвари сифатида бутун куч ва билимини рус фани ва техникасининг тараққиётига бағишлади. У физика, электротехника ва радио соҳасида 25 йилдан ортиқ қунт блан ижодий меҳнат қилиб, дун'ёда биринчи бўлиб радиони кашф этди. Шундай қилиб, Россия радио ватани бўлиб қолди.

Александр Степанович Попов 1859 йил 16 мартда Шимолий Уралдаги Турьинский шаҳарчасида маҳаллий руҳоний оиласида туғилади. У 1873 йилда Пермьдаги диний семинарияга ўқишга киради ва тўрт йилдан сўнг семинарияни битириб, олий ўқув юртига кириш учун ғувоҳнома олади. 1877 йил август ойида Петербург университетининг физика-математика факультетига ўқишга киради. Попов ҳаётида янги давр бошланади. Оиласи камбағал бўлганидан ота-онаси унга моддий ёрдам бераолмасди. Шунинг учун ёш студент университетда ўқиш блан бирга юқори табақаларининг болаларини ўқитиб, топган пулига кун кўрар эди. Бироқ, у катта моддий қийинчиликка қарамай, барча фанлардан а'ло баҳо олиб ўқийди. Попов бошқа студентлардан ўзининг ўткир идроки ва қобилиятлилиги блан ажралиб турар эди. Университетнинг IV курсида ўқиб юрган вақтидаёқ факультет ма'мурияти уни профессорга ассистент қилиб тайинлайди. Бу олий ўқув юртлари тарихида жуда кам учрайдиган воқиадир.

А. С. Попов 1882 йилда университетни а'ло баҳо блан тамомлайди. Сўнгра уни физика фанидан профессорлик унвонини олиш учун факультетнинг физика кафедрасида қолишга таклиф қиладилар. Аммо электр ва магнит ҳодисалари устида мустақил текшириш ишлари олиб боришга зўр иштиёқ блан бел боғлаган Попов бу соҳта таклифни қабул қилишдан кўра Кронштадт шаҳридаги биринчи электротехника ўқув юртида ишлашни афзал кўради, шу блан бир вақтда у физикадан лекция ҳам ўқийди. Ўқув юртидаги бир қадар қулай шароит унга электротехника соҳасида илмий-текшириш ишлари олиб бориш имкониятини беради.

XIX асрнинг 90-нчи йилларида Максвелл, Герц, Лодж каби олимларнинг илмий ишлари натижасидан симсиз телеграф орқали узоқ масофага сигнал бериш мумкинлиги аниқ бўлди. Симсиз телеграфнинг денгиз флотида катта аҳамиятга эга эканини тушунган Попов, шу проблема устида катта илмий-текшириш ишлари олиб боради. Александр Степанович жуда кўп ижодий меҳнат сарф қилиши натижасида 1895 йил 7 майда Петербургдаги Рус физика-химия жамияти физика бўлимининг мажлисида ўзи ясаган ва дун'ёда биринчи эғ содда радиоаппарати («Яшин аниқлагич»)ни намойиш қилиб кўрсатади. Бу аппарат радио тўлқинларидан иборат бўлган ҳамма сигнални яхши қабул қилади. Поповнинг радиони ихтиро' қилган куни 7 май — радио куни сифатида байрам қилинадиган бўлди.

А. С. Попов бу муваффақият блан чегараланиб қолмай, текшириш ишларини давом этдирди. 1896 йил март ойида у ўзи ясаган телеграф аппарати блан симсиз 250 метр масофадан сигнал қабул қилиб бу тажрибани оммага намойиш қилиб кўрсатади. Бу дун'ёда биринчи марта қабул қилинган радиограмма эди. Попов ҳарқандай табиий тўсиқни енгиб ўтадиган телеграф орқали сувдаги кема блан ҳам симсиз алоқа боғлайди. У хатто қирғоқдан туриб, Қора денгиздаги кема блан телеграф орқали алоқа қилиб, радио сигналининг тарқалиш чегарасини 148 километрга етказишга муваффақ бўлади.

А. С. Попов 1901 йил сентябрь ойидан Петербург электротехника институтида профессор бўлиб ишлайди ва кейинчалик шу институтда директорлик вазифасини бажаради. У 1903 йилнинг кузида телеграф алоқа боғловчи радиостанциясини такомиллаштириб, узоқ масофага чиққан кемаларни бошқаришга мослаштиради.

А. С. Попов дун'ёда биринчи бўлиб, радиони кашф қилиш йўлида катта амалий ишларни олиб бориш блан бирга, электротехника ва радиотехника соҳасида бирқанча илмий асарлар ҳам ёзди. Шу блан бирга у ўзининг педагогик фаолияти даврида кўпгина радио мутахассисларини тарбиялаб етиштирди. Попов 1906 йилнинг 13 январида вафот этади.

Радионинг буюк кашфиётчиси А. С. Попов вафот этгандан бери орадан 50 йил ўтди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг мамлакатимизда фан ва маданият мисли кўрилмаган даражада тез сур'ат блан ривожланабошлади. Шу жумладан радио соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Совет олимлари Попов кашфиётини ижодий равишда тараққий этдириб, радио соҳасида жуда илгари кетдилар. Техника тараққиётининг ҳозирги даражасида радио учун ер юзида ўтиб бўлмайдиган жой қолмади. Радио орқали Москвадан туриб Шимолий қутб районидаги кўчма музларда текшириш ишлари олиб бораётган қутбчилар блан, Антарктида сувларида ишлаётган совет кит овловчилари блан суҳбатлашиш мумкин. Радио воситаси блан фақат телеграммани эмас, балки фотони ҳам узоқ масофага юбориш мумкин.

СССРда радио эшитиришнинг олий формаси — телевидение ҳам борган сари кенгроқ ривожланмоқда. Москва, Ленинград, Киев, Рига ва бошқа шаҳарлардаги телевизион марказлар мунтазам ишлаб турипти. Телевидение орқали театр, концерт залари, стадион ва бошқа жойларда бўлаётган тамошаларни узоқдан ҳам кўриш мумкин. Машҳур олим Попов радио тўлқинларининг йўлда учраган қаттиқ жисмларга урилиб қайтиш хусусиятини топган эди. Бу кашфиёт кишига булут ва туманлар ошa ўнларча, хатто, юзларча километр наридаги нарсаларни «кўриш» имкониятини беручи радиолокация техникасига асос бўлди. Радио алокаси ва радионавигация воситалари самолёт ва кемаларни ишонч блан хавфсиз бошқариш имкониятини беради. Радиодан об-ҳаво прогнозини аниқлашда, астрономияда, медицинада ҳам фойдаланилаётир. Радио саноатда катта практик аҳамиятга эгадир. У пўлатни тоблаш, ёғочни қуритиш, фойдали қазилмаларни қидириб топиш ва бошқа кўпгина ишларда қўлланилмоқда. Ҳозир совет олимлари янги типдаги радиостанция — атом радиостанциясини қуриш вазифасини тамомила ҳал қилиш мумкин деб ҳисобламоқдалар. Бу яқин келажакда албатта амалга оширса бўладиган ишдир.

Ҳеч шубҳа йўқки, совет олимлари бундан буён ҳам радио соҳасида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритадилар. Бу — улуғ кашфиётчи олим А. С. Попов хотирасини абадийлаштиришга қўшилган муносиб ҳисса бўлади.

**М. ИСМОИЛОВ.**

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

## „Ўқучилар э'тирози"

Газетамизнинг ўтган йил 18 декабрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида материал босилиб, унда Қорасув районидаги кинотеатрларда болаларга хос фильмлар қўйилмаслиги, район маданият бўлими ўз ишини планлаштирганида мактаб ўқучиларини ҳисобга олмаслиги танқид қилинган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Қорасув район Совети ижроия комитети расмининг ўринбосари ўртоқ Зокирҳўжаевнинг редакциямизга хабар қилишича, текширишда газетада келтирилган фактлар тасдиқланган. Район маданият бўлими болалар учун махсус фильмлар кўрсатишни репертуар планига киритган ва бу тўғрида кинотеатр директорларига кўрсатма берган.

# Меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларига э'тиборни кучайтирайлик

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати социалистик саноат ва қишлоқ хўжалигини тинмай юксалтириш, меҳнаткашлар моддий фаровонлигини яхшилаш ва маданий савиясини ошириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

Меҳнаткашларнинг маданий савияси ошганлиги уларнинг маҳаллий Совет органларига олиб келаётган ариза ва шикоятларида ёрқин намоён бўлмоқда. Улар ўз аризаларида ва талабларида хўжалик ва маданий вазифаларни ҳал қилишда маҳаллий Советларга ёрдам беришга ҳаракат қилмоқдалар.

Меҳнаткашларни қабул қилиш ишларини тўғри ташкил қилиш, уларнинг аризаларини тезда кўриб чиқиш ишимиздаги камчиликларни ўз вақтида тугатишга, давлат интизомини мустаҳкамлашга, социалистик қонунчиликнинг бузилишига йўл қўймасликка ёрдам берди, совет давлат аппаратидаги ба'зибир бюрократизм элементларини ва сансалорликни таг-томири блан йўқотади, омманинг ташаббусини оширади.

Тошкент шаҳар Киров район ижроия комитети шуни э'тиборга олиб, меҳнаткашларни қабул қилиш ва уларнинг шикоят ҳамда аризаларини текшириш ишларини систематик равишда яхшилаб бормоқда.

Киров район ижроия комитетида қат'ий график бўйича ҳар куни район Совети раҳбарларидан биттаси меҳнаткашларни қабул қилади. Бу, масалаларни кечиктирмасдан ҳал қилиш имкониятини бермоқда.

Район ижроия комитети а'золаридан Исомиддинов, Решетникова ва Терентьев ўртоқлар меҳнаткашлар талаб ва шикоятларини айниқса тез ҳал қилмоқдалар. Улар ҳарбир кишининг гапига диққат блан қулоқ соладилар, ҳарқандай шикоят ва талабни диққат блан ўрганиб чиқадилар ва бу масалаларни тезроқ ҳал қилиш учун барча чораларни кўрадилар.

Масалан, 1956 йил 4 январьда район ижроия комитетининг а'зоси Ўртоқ Терентьев ҳузурига гражданин Каримжонов келиб, унинг план бўйича қурилган уйига йул очиш масаласи кўп вақтдан бери ҳал қилинмай келинаётганлиги ҳақида шикоят қилди. Ўртоқ Терентьев масалани яхши ўрганиш учун Каримжонов яшайдиган жойга борди ва узоқ вақтдан бери ҳал қилинмай келаётган масалани шу жойнинг ўзида ҳал қилиб берди.

Район ижроия комитетининг а'зоси Ўртоқ Исомиддинов ҳузурига Кутузов кўчасининг аҳолиси келиб, бу кўча кўп вақтдан бери обод қилинмаётганлиги ва улар яшайдиган территорияда антисанитария ҳолати юз бергани ҳақида шикоят қилдилар. Ўртоқ Исомиддинов бу аризани яхши ўрганиб, Кутузов кўчасини тез кунда обод қилиш тадбирларини белгилаб чиқди. Ҳозир бу кўчанинг тротуарларига асфальт ётқизилди, кўчага шағал тўкилди, кўча территорияси эса систематик равишда тозаланиб турилади.

Маҳаллий Совет депутатлари ҳам меҳнаткашларнинг аризаларини ҳал қилиш ишига актив қатнашмоқдалар. 1955 йилнинг ўзида Киров район Советининг депутатлари меҳнаткашларнинг 218 шикоят ва аризасини текшириб, булардан кўпини қаноатлантирдилар. Депутатлардан Зокирова, Умаров, Сирова, Урядова ўртоқлар 63 шикоят ва ариза юзасидан текшириш ўтказдилар. Район Советининг депутати ўртоқ Леонтьевнинг ташаббуси блан Урицкий кўчасидаги бирнеча йилдан бери ремонт қилинмай ётган 27 сонли уч қаватли уй капитал ремонтдан чиқарилди.

Бундан ташқари район Советининг кўпгина депутатлари ўзлари сайланган округларда меҳнаткашларни қабул қилиб, аҳоли эҳтиёжини ўз вақтида ҳал қилишга ёрдам бердилар.

**Х. ОТАБОЕВА,**

Меҳнаткашлар депутатлари Киров район Совети ижроия комитетининг мас'ул секретари.

## Янги тугма фабрикаси

«Утильпром» артели ташкил этган тугма фабрикаси қизғин иш бошлаб юборди. Бу фабрика Ўзбекистондаги тикув корхоналарини сифатли тугмалар блан етарли даражада та'минлайолади. Фабрика бир йилда 4 миллион донага яқин тугма ишлаб чиқаради. Тугмалар пластмассдан тайёрланади.

ИЛҒОР КОЛХОЗЛАР ТАЖРИБАСИДАН

# *Пахтачиликда прогрессив усулни кенг қўлланамиз*

1955 йил бошида Ворошилов номли колхоз а'золари қўшнимиз «Сталинобод» колхози а'золарининг илтимосини қабул этиб, уларни ўзларига қўшиб олдилар, чунки «Сталинобод» колхози қолоқ, камҳосилли бўлиб, кўп йиллар мобайнида давлат планини бажараолмай келар эди. Масалан, «Сталинобод» колхози 1954 йилда ҳар гектар ердан атиги 16,5 центнердан ҳосил етиштирган эди.

Колхозимиз ўтган йили 1160 гектар ерга чигит экиб, давлатга ҳар гектар ердан 24,5 центнердан пахта топширишга аҳд қилган эди. Колхозчилар ва механизаторларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли мўл ҳосил етиштирилди. Ҳар гектар ердан контрактацияда белгиланганидан 2 центнердан ортиқ—26,5 центнердан ҳосил олиниб, давлат плани 108 процент бажарилди. Пландан ташқари 2330 центнер кўп пахта топширилди. Топширилган пахтанинг кўп қисми отбор ва биринчи сортга қабул қилинди.

Колхозимиз а'золари бундай ғалабага қандай қилиб эришдилар? Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, 1954 йил кузида 70 процентдан кўпроқ майдон ўтитланиб, шудгорланган эди. Бу ерлар баҳоргача яхши етилиб, сернам бўлиб турганлиги учун уларни чигит экишга сифатли қилиб тайёрлаш мумкин бўлди. Иккинчидан, ўтган йил асосий майдонларга чигитни торқаторлаб, квадрат-уялаб, тўгрибурчак шаклда экдик. Ерлари нам етарли бўлгани учун чигитни тез орада тўла ундириб олиш мумкин бўлди. Ниҳоят, ғўза парваришни даврида қилинадиган барча ишлар қулай муддатларда сифатли қилиб ўтказилди.

Аммо экиш кампанияси ва ғўза парваришини муваффақиятли ўтказишимиз учун янги агротехника талабларига мувофиқ амалга оширилган бирқатор ташкилий-хўжалик тадбирлар ҳам катта роль ўйнади. Правление йил бошида барча бригадалар ерини ва уларга бириктилган ишчи кучлари сонини қайта кўриб чиқди. Ер майдонларининг тузилиш ҳолати ва сув шохобчаларининг жойланишига қараб бригадалар участкаси ажратилди ва шунга мувофиқ уларга тегишли бўлган ишчи кучи, моддий-техника воситалари бириктирилди, трактор бригадаларининг иши ҳам шунга мувофиқ планлаштирилди. Айрим бригадаларга ер тузилиши тартибга солиниб, яхлит суғориш участкалари вужудга келтирилди. Бу эса чигит экишнинг янги усулини кенг қўллашга, асосий ишларни механизациялаштириб, ишчи кучи етишмаслиги туфайли рўй берадиган қийинчиликларни анча бартараф қилишга ёрдам берди.

Масалан, 9 ва 11-нчи бригадаларга қарашли 140 гектар ер 6 суғориш участкасига бўлиниб, ҳаммаси бир томонга қараб суғориладиган қилинди. Бу участкалар МТСнинг бульдозер, грейдер ва скреперлари блан текисланиб, узунлиги ўртача 500, кенглиги 400 метрли тўғри шаклдаги майдонларга айлантирилди. Бундай ерларда ғўзани янги усулда ўстириш ва механизациядан энг кўп фойдаланиш жуда қулай бўлди. Шунинг учун ҳар иккала бригадага 35 киши бириктирилди. Ҳарбир кишига қарийб 4 гектардан ер тўғри келишига қарамасдан, бригадаларнинг а'золари мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Жумладан, бу ерларга чигит 60х45 схемасида экилди. Ер чигит экишга сифатли қилиб тайёрланиб, нам тўпланганлиги учун чигит экилган уяларда 4—5 кун орасида 6—8—12 талан ғўза кўкариб чиқди. Шунинг учун яганани қисқа муддатда ўтказиб, ғўза қатор оралариини дастлабки даврдаёқ иккитомонлама ишлаш ва бегона ўтларни тезда йўқотиш мумкин бўлди. Қатор оралари дастлабки пайтда иккитомонлама ишлангани учун ёш ғўза тез ўсиб ривожланди, натижада ғўза ҳар йилгидан анча эрта, ёпасига шоналайбошлади.

Ерда чигит экишгача нам етарли миқдорда тўпланганлиги учун бу бригадаларда ғўзалар фақат шоналайбошлаган даврдагина биринчи марта суғорилди. Шунинг учун ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига ҳеч қандай ажралиш бўлмади. Бу ҳолатни кейинги даврларда ҳам тартибли равишда олиб бориш учун ғўзани суғориш режимига, шу блан бирга ўтитлашга алоҳида э'тибор берилди. Дастлаб ер шароити ва ўсимлик ҳолати қатгиқ э'тиборга олинган ҳолда ғўза қондириб суғорилди. Суғоришда берилган сувни нобуд қилмаслик учун қатор оралари ўз вақтида ишланиб турилди. Шундай қилиб, ўсув даври давомида бу бригадалардаги ғўза қатор оралари 6 марта узунасига ва 4 марта кўндалангига ишланди. Қатор оралариии асосий ишлашда қўл меҳнати деярли сарф этилмади. Яганалаш, шунингдек кейинги даврларда культиватор тишлари етмаган ерлардаги бегона ўтларни йўқотиш учунгина қўл меҳнати сарф этилди, чунки культивация қилган вақтда узунасига қатор оралари 45 сантиметр, кўндаланг қатор оралари 20 сантиметр кенглиқда ишланиб турилган эди.

Ғўзалар ер шароити ва ривожланиш ҳолатига қараб ўсув даври давомида 2—3 марта озиқлантирилди. Бундан ташқари август ойида барги орқали ҳам озиқлантирилди. Касаллик ва зараркунандаларнинг тарқалишига йўл қўйилмади. Бирон жойда касаллик ёки зараркунанда пайдо бўлганда у дарҳол қириб ташланди. Натижада бу бригадаларда ҳосил мўл бўлди ва эрта етилди. Ҳар иккала бригада ҳам гектаридан 28 центнердан пахта топириб, йиллик планни 25 октябрьдаёқ бажаришга эришди. **Агар бу бригада а'золари 1954 йилда киши бошига 44 центнердан пахта етиштирган бўлсалар, 1955 йилда 112 центнердан пахта етиштирдилар.** Бу нарса янги агротехника қўлланилганида, меҳнат унумининг қанчалик ошаётганлигини кўрсатади.

Колхозимизнинг бошқа бригадаларида ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Шунинг учун ўтган йилги тажрибаларимизни янада такомиллаштириб, йўл қўйилган камчиликларимизни бартараф қилиб, янги усулни янада кенгроқ қўлланамиз. Жумладан, 1000 гектар майдонга чигитни уялаб экамиз. Ўтган йилги тажриба квадратнинг энг қулай шаклларини ҳам белгилаб берди. Биз бу йил чигитни фақат 50х50 схемасида квадрат-уялаб экишга қарор қилдик.

Янги усулни тўла жорий қилиш, унинг барча афзалликларидан яхши фойдаланишимиз учун бирқатор тадбирларни амалга оширишимиз керак. Жумладан, биз кузда ерларни шудгор қилиш блан бир вақтда участкаларни яхлитлаштириш, текислаш, шаклини тўгриласи ва суғориш шохобчаларини қайта қуриш ишларини ҳам бошлаб юбордик. Бу иш ҳозир ҳам давом этмоқда. Шундай қилиб, яқин йилларда бутун ерларимиз 20—25—30 ва ҳатто 40 гектарли суғориш участкаларидан иборат бўлиб қолади.

Участкаларни яхлитлаштириш блан бирга, далачилик бригадалари майдонларини ҳам йириқлаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Далачилик бригадалари экин майдонининг қандай катталикда бўлишини аниқлашда биз трактор бригадаларидан тўла фойдаланишни, суғориш блан қатор оралариии ишлашни тўгри қўйиб уюштиришни кўзда тутамиз.

Квадрат—аниқликни талаб этади. Бу асосан экиш агрегатида ишлайдиган кишиларнинг малакасига боғлиқ. Колхозимизда агрозоотехника курсларида машғулотни мунтазам давом этдириш блан бирга, агрегатда ишлайдиган барча кишиларни янги усулда чигит экишга қунт блан ўргатамиз, уларни яхши машқ қилдирамиз, синовдан ўтказамиз.

Ҳозир колхозимиз а'золари ариқ-зовурларни тозалаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш, умуман экин кампаниясини муваффақиятли кутиб олиш учун зарур бўлган тадбирларни амалга оширмоқдалар. Улар қишлоқ хўжалик илғорлари республика Кенгаши қатнашчиларининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига ёзган Хатидан ғоят руҳланган ҳолда мамлакатга бу йил янада кўпроқ пахта бериш учун социалистик мусобақани ҳарқачонгидан ҳам кучайтирадилар.

**Ғ. ОТАБОЕВ,**

Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхоз раиси.

## ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ СИЕСИЙ БЮРОСИНИНГ ҚАРОРИ

ПАРИЖ, 11 январь. (ТАСС). Франция Коммунистик партиясининг Сиёсий бюроси партия составига янги а'золарни кенг равишда қабул қилишга таллуқли бирқанча тадбирлар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорда уқтириб айтилишича, 2 январьда Миллат мажлисига ўтказилган сайлов Француз халқининг миллий манфаатларига мос келадиган сиёсатни ўтказиш учун курашда Коммунистик партия ва унинг ташкилотлари катта роль ўйнаётганликларини исбот қилди. Француз коммунистларининг фаолиятини меҳнаткашлар оммаси ниҳоят даражада ма'қуллашдилар, дейилади қарорда; буни шу факт ҳам кўрсатиб турибдики, фақат 1955 йил декабрь ойининг ўзидагина партияга 5 минг янги а'зо қабул қилинди.

Сиёсий бюро барча коммунистларни ва партия ташкилотларини 2 январьдаги сайловда партия эришган катта ғалабани мустаҳкамлаш учун бутун кучни сарфлашга ва коммунистларнинг идеалларини ма'қуллаётган ҳамда Франция сиёсатини ўзгартиришга интилаётган эркак, хотин-қиз ва ёшлардан бўлган барча меҳнаткашларни партияга тортишга ёрдам беришга чақирди.

## ФРАНЦИЯДА ХАЛҚ ФРОНТИ ТУЗИШ ТАЛАБ ҚИЛИНМОҚДА

ПАРИЖ, 11 январь. (ТАСС). Франция корхоналаридаги меҳнаткашлар халқ фронти ҳукумати тузишни талаб қилмоқдалар. Бугун «Юманите» газетаси шундай корхоналарнинг рўйхатини э'лон қилди. «Рено» автомобиль заводларида, Париж атрофидаги Пантэн темир йўлчилари орасида, Тулон портида, Венессье шаҳридаги (Рона департаменти) металлургия заводида ва бошқа кўпгина корхоналарда меҳнаткашлар халқ фронти учун кураш комитетлари тузадилар.

Бирқанча департаментларда социалистлар коммунистлар блан биргаликда халқ оммасининг бу талабини қўллаб-қувватлмоқдалар. Воклюз департаментида Коммунистик партия ва социалистик партия маҳаллий федерациялари раҳбарларининг учрашуви бўлди. Улар, Шимолий Африкада уруш ҳаракатларини тўхтатишни, меҳнаткашлар оммасининг моддий аҳволини яхшилашни, солиқ системасини ислоҳ қилишни ва маорифнинг дун'ёвий характери тикланишини кўзда тутучи янги, конструктив сиёсат ўтказадиган ҳукумат тузиш зарур, деган битимга келдилар. Улар Франция социалистик партиясининг яқинда бўладиган миллий с'езди олдиндан яна бир марта учрашиб, мана шу масалаларнинг ҳаммаси устида фикрлашиб олишга қарор қилдилар.

«Юманите» газетасининг хабарида айтилишича, Контр коммунасининг мэри (Луар ва Шер департаменти) социалист Шартье, Ла-Гиш коммунасининг мэри (Сона ва Луара департаменти) социалист Прево, Қуйи Пиреней департаментидан сайланган социалист депутат Жозеф Гарат, Уаза департаменти бош Кенгашининг а'зоси социалист Рене Виль Люм (Ардении департаменти) ва Манбрэн-Ле-Бен (Дроме департаменти) коммуналарининг муниципал масалаҳатчилари — социалистлар ва бошқа кўп арбоблар халқ фронти ҳукумати тузишни талаб қилганлар.

## Ўзбекистон ССР сан'ат арбоблари делегациясининг Ҳиндистонда бўлиши

ДЕҲЛИ, 11 январь. (ТАСС). Ўзбекистон ССР сан'ат арбоблари делегацияси Ҳиндистон бўйлаб саёҳатни давом этдирмоқда. Ўзбек артистлари Лажнауда, Ҳайдарободда ва Бомбейда бўлдилар.

Ўзбек сан'ати вакилларининг ана шу шаҳарларда бўлиши бу шаҳарларнинг маданий ҳаётида катта воқиа бўлди. Ўзбек артистларининг концертлари доим зўр муваффақият қозонмоқда ва маҳаллий матбуот бу концертларга юксак баҳо бермоқда. Бомбейда ўзбек артистлари Ҳиндистон кино сан'ати арбоблари ҳузурида меҳмон бўлдилар. Шаҳарнинг 15 маданий ташкилоти улар шарафига катта қабул маросими ўтказди. Маданий алоқаларни ривожлантиручи Ҳиндистон-Совет жамиятининг раиси доктор А. В. Балига ўзбек халқи вакилларини табриклаб, бундай деди: СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчевнинг яқинда Ҳиндистонга қилган визити ва уларнинг Ҳиндистон Бош министри Ж. Неру блан олиб борган музокараларининг натижалари «икки ўртадаги масофани муайян суратда қисқартирди ва ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам берди».

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР сан'ат арбоблари делегацияси Мадорасда бўлиб, буердан Калькуттага жўнаб кетади.

## АҚШнинг Бағдод пактига қўшилишига доир

НЬЮ-ЙОРК, 11 январь. (ТАСС). «Нью-Йорк пост» газетасининг Вашингтон мухбири Роберт Аллен қуйидагиларни билдиради: штаблар бошлиқлари бирлашган группасининг раиси адмирал Рэдфорд ҳозирги вақтда яқин Шарқ ва Ўрта Шарқ мамлакатларига саёҳат қилиб юрибди. Адмирал Рэдфорд Вашингтонга телеграмма юборди. У ўз телеграммасида Қўшма Штатлар Бағдод пактига тезликда расмий суратда қўшилсин ва Покистонга, Ироққа ҳамда Эронга бериладиган ҳарбий ва иқтисодий «ёрдам»нинг анча оширилажагини очиқ э'лон қилсин, деб таклиф этади.

## АЛБАНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕБ Э'ЛОН ҚИЛИНГАН КУННИНГ 10 ЙИЛЛИГИ

# *Мануш Муфтиу доклади*

ТИРАНА, 11 январь. (ТАСС). Министрлар совети раисининг ўринбосари Мануш Муфтиу Албания Халқ Республикаси деб э'лон қилинган куннинг 10 йиллигига бағишланиб Тиранада ўтказилган тантанали мажлисда доклад қилди. Муфтиу ўз докладида қуйидагиларни айтди:

1946 йил 11 январьда Албаниянинг Халқ Республикаси деб э'лон қилинганлиги албан халқининг қаҳрамон партиямиз раҳбарлиги остида итальян ва немис фашист оккупантлар устидан қозонган шонли ғалабасини якунлади. Ана шу буюк тарихий воқиа халқимизнинг тарихида янги давр бошланганлигидан дарак берди, халқимизга бахтли ҳаёт қуриш йўлини очиб берди.

Албаниянинг экономикаси ва маданияти халқ ҳокимияти йилларида мисли кўрилмаган тез сур'атлар блан ривожланди. Биринчи бешйилликнинг охирги йили бўлган 1955 йилнинг охирига келганда саноатда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг қиймати 1938 йилдагига нисбатан 12,5 баравар кўпайди. Металл ишловчи саноат маҳсулоти 1950 йилдагига нисбатан 5,5 баравар, кон-руда саноати маҳсулоти 1,7 баравар ортди. Ҳозирги вақтда И. В. Сталин номидаги тўқимачилик комбинати ишлаб чиқараётган ип-газлама 1938 йилда Албанияда ишлаб чиқарилган газламанинг миқдоридан 48 баравар кўпдир.

Қишлоқ хўжалиги катта муваффақиятларга эришди. Мамлакатдаги экин майдони 1938 йилдагига нисбатан 70 процентдан, етиштириш эса 75 процент ортди. Партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлиги туфайли қишлоқ хўжалиги ҳозирги замон техникаси блан кўпроқ та'минланмоқда. Давлат деҳқонларга пул, сараланган уруғлар, минерал ўғитлар блан кўп ёрдам бермоқда, кенг миқ еда мелиорация ишлари олиб бормоқда.

Сўнгра, докладчи бундай деди:

Ҳозирги вақтда бизда 318 қишлоқ хўжалик кооперативи бор. 1955 йилнинг бир ўзидагина 168 кооператив ташкил этилди. Умуман қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида кооперативларнинг салмоғи ҳали унча катта бўлмаганлигига қарамай, кооперативлар муҳим иқтисодий куч бўлиб қолдилар. Кооперативлар давлат қишлоқ хўжаликлари блан биргаликда мамлакатга бутун дон ҳосилининг 13,6 процентини, қанд лавлагисининг 77,4 процентини ва пахта ҳосилининг 29,8 процентини бермоқдалар.

Меҳнаткашларнинг фаровонлиги йил сайин ошмоқда. 1955 йилда савдо шохобчалари 1950 йилдагига нисбатан бир ярим баравар кенгайди. Мамлакат экономикасининг ҳартомонлама мустаҳкамланганлиги Албания меҳнат партияси Марказий комитети ва Албания ҳукуматининг бирқанча саноат товарларига карточка системасининг қисман бекор қилиш тўғрисида яқинда қарор чиқаришларига имконият берди.

Докладчи 1956 йил давлат планига тўхталиб айтдики, бу план халқ хўжалигини яна бирмунча юксалтиришни кўзда тутади. Бу йил саноатнинг ялпи маҳсулоти 1955 йилдагига нисбатан 11 процент ортади.

Сўнгра, докладчи 1956 йилда қишлоқ хўжалигини кооперативлаштиришга алоҳида э'тибор берилажагини та'кидлади. Бизнинг қишлоқ хўжалигимиз, деди у, шу йўлдан боргандагина ривожланиб гуллаб-яшнайолади.

М. Муфтиу сўзини давом этдириб бундай деди: Албания меҳнат партияси ва Албания Халқ Республикаси ҳукумати социализм қуриш ва меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш йўлидаги ишларни бутун дун'ёда тинчликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш йўлидаги кураш блан маҳкам боғлаб олиб бормоқдалар. Албания Халқ Республикасининг тинчликсевар сиёсати халқ-демократик тузумимизнинг моҳиятидан келиб чиқади. Албания ҳукумати барча мамлакатлар блан, улардаги ижтимоий- давлат тузумининг қандай бўлишидан қат'и назар, бир-бирларини ҳурмат қилиш ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосларида нормал муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини кўп марта ма'лум қилди. Аммо, ба'зи мамлакатларнинг ҳукуматлари ва, биринчи галда, АҚШ ҳукумати мамлакатимизнинг ички ишларига очиқдан-очиқ аралашиш сиёсатини ўтказиб келди. АҚШ президенти Эйзенхауэр ва давлат секретари Даллес яқинда халқ демократияси мамлакатларининг халқларига ва, жумладан, бизнинг халқимизга ҳам «рождество мактублари» блан мурожаат қилди. Улар бу мактубларида ана шу халқларнинг қора ўтмишга қайтишларини «истайдилар». Аммо, албан халқи бошқача фикр юргизмоқда ва империалистларнинг ҳоҳишларига хилоф суратда ўз билганича ҳаракат қилмоқда. Империалистлар ҳоҳайдиларми ёки ҳоҳламайдиларми, бари-бир, озод ва суверен Албания социализм қурмоқда ва бизнинг халқимизни ўзи танлаб олган ҳамда Маркс, Энгельс, Лёнин, Сталиннинг ғолиб идеяларидан ёритиб турган йўлдан тўхтатолмайдиган куч дун'ёда йўқ.

Албан халқи улуғ ва қудратли тинчлик лагерининг актив ва изчил қатнашчисидир. Албан халқи улуғ халқоскримиз ва ҳимоячимиз совет халқи блан самимий ва қардошларча дўстлик туфайли маҳкам боғлангандир. Бу дўстлик суверен озод халқ республикамизнинг яшаши учун негиздир.

Бизнинг халқимиз улуғ Хитой блан ва бошқа халқ демократияси мамлакатлари блан мустаҳкам, қардошларча дўстона алоқалар ўрнатди. Албания Халқ Республикаси Югославия Федератив Халқ Республикаси блан қардошларча алоқаларини тиклади.

Докладчи яна бундай деди: Албания Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинганлиги халқимизнинг катта ғалабасидир. Албан халқининг улуғ дўсти ва барча халқларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилучи Совет Иттифоқи кўрсатган ташаббус туфайли бу ғалабага эришилди.

Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатлари халқаро кескинликни юмшатиш ва бутун дун'ёда тинчликни сақлаш сиёсатини оғишмай ўтказиб келдилар ва ўтказмоқдалар. Бизнинг мамлакатларимиз ана шуни исбот қиладиган бирқанча амалий тадбирларни кўрдилар. Улар бундан буён ҳам «Женева руҳи»ни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун бутун кучларини сарф қиладилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонга, Бирмага ва Афғонистонга қилган сафарлари натижалари Совет Иттифоқининг тинчликсевар сиёсатини амалга ошираётганлигини ёркин исбот этучи янги далилдир. Ана шу сафарнинг натижалари халқаро кескинликни юмшатиш, турли ижтимоий системаларга мансуб бўлган мамлакатлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш ҳамда тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига қўшилган жуда катта ҳисса бўлди.

Дун'ёдаги барча халқлар Совет Иттифоқининг тинчликсевар сиёсатини қўллаб-қувватламоқдалар.

М. Муфтиу сўзининг охирида айтдики, албан халқи бундан буён ҳам барча тинчликсевар халқлар блан биргаликда тинчликни ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш йўлидаги курашни давом этдиради, социализм қуриш ва ўз давлатини — Албания Халқ Республикасини мустаҳкамлаш йўлидан бундан буён ҳам зўр ишонч блан олға боради.

## ХХР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

ПЕКИН, 11 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: 9 январьда Американинг икки ҳарбий самолёти Линьцзян районида Хитойнинг ҳаво масофасига бузиб ўтган. ХХР ҳарбий-ҳаво кучлари самолётлари Америка самолётларининг йўлини тўсганида, Америка самолётлари қочиб кўздан ғойиб бўлганлар.

Хитой ҳаво масофаларининг ана шундай бузилиши муносабати блан Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министрлигининг вакили 10 январьда қуйидагиларни айтди:

Америкага қарашли икки ҳарбий самолётнинг 1956 йил 9 январьда Хитой ҳаво масофасига ўтганлиги Қўшма Штатларнинг жиддий ҳарбий провокацияси бўлиб ХХРнинг территориал бутунлигига ва суверенитетига қасд қилишдан бошқа бир нарса эмас. Хитой ҳукумати бунга қарши қат'ий норозилик билдиради ва Қўшма Штатлар ҳукуматидан бундай можароларнинг бундан буён такрорланмаслиги учун чоралар кўришни талаб қилади.

Хитой ҳукумати АҚШ ҳукумати бир томондан, Женевада олиб борилаётган Хитой-Америка музокараларини узоққа чўзиш тактикасини ўтказаётган ва иккинчи томондан, ўзининг катта лавозимдаги кўп амалдорлари ва офицерларини ҳарбий тайёргарликни тезлатиш мақсадида мамлакатимизга қарашли районга — Тайваньга юбораётган бир пайтда Америка ҳарбий самолётларининг Хитой ҳаво масофасига ўтганлиги ера ҳам тасодифий бир ҳол эмаслигини та'кидлашни зарур деб ҳисоблайди. Бу можаро АҚШнинг Узоқ Шарқда кескинликни вужудга келтириш учун ҳарқандай воситадан фойдаланишга тайёр эканлигини яна бир марта кўрсатади.

АҚШ ҳукуматининг бу ҳуружи Хитой халқини қаттиқ ғазаблантирди. Дун'ёдаги тинчликсевар мамлакатлар ва халқлар АҚШнинг провокацион ҳаракатларига нисбатан ҳуш'ёрликни кучайтирмай қолаолмайдилар.

## «Кашмир маликаси» самолётининг ҳалокати тўғрисида Англия Мустамлакалар министрлигининг баёноти

ЛОНДОН, 11 январь. (ТАСС). «Эйр Индия интернейшнл корпорейшн» компаниясининг «Кашмир маликаси» деган самолёти 1955 йил 11 апрельда ҳалокатга учраганлиги муносабати блан бу тўғрида Гонконг ҳукумат ма'мурлари томонидан ўтказилган текширишлар тўғрисида бугун Мустамлакалар министрлиги Гонконгда ва Лондонда айни бир вақтда баёнот э'лон қилди. Бу самолётда Бандунг конференциясига бораётган Хитой Халқ Республикаси делегациясининг а'золари, хитой журналистлари ва бошқа журналистлар бор эди. Самолётнинг ҳалокати бевосита қилинган диверсиянинг натижаси бўлди, деган гумон тутилганлиги ва бу гумон Индонезия ҳукуматининг 1955 йил 27 майдаги баёнотида тасдиқланганлиги сабабли текшириш бошланган эди.

Мустамлакалар министрлигининг баёнотида айтилишича, «Гонконг Эйркрафт корпорейшн» компаниясининг ҳизматчиси Чжоу Цзе-мин шу жиноятни қилган, деган гумон тутилди, чунки у мазкур компаниянинг бошқа ходимлари блан бирга самолётнинг ўнг ёнбошига яқин жойда турган эди, самолёт Гонконгга келиб қўнганида портловчи модда бу самолётнинг ўнг томонига солиб қўйилган.

Ҳукумат ма'мурлари, дейилади баёнотда, Чжоу Цзе-минни қидирабошлаган кундаёқ у граждан транспорт самолёти блан тайваньга учиб кетган. Полиция ма'мурлари текширишни давом этдиришлари натижасида «бу кишини гоминданчи разведка ташкилотлари блан боғлаган кишилар шу жиноятга тортганликлари ва унга мукофот бермоқчи бўлганликлари аниқланди».

Мустамлакалар министрлигининг баёнотида бундай дейилади: Чжоу Цзе-мин шуни э'тироф қилдики, «Биринчидан, у самолётда диверсия қилган; иккинчидан, унга Гонконг пули блан 600 минг доллар мукофот ва'да қилинган; учинчидан, у белгиланган соатда портлайдиган ва ичидаги соат механизмининг товуши чиқмайдиган бомбадан фойдаланган; тўртинчидан, у Формозага бориб яширинмоқчи бўлган».

3 сентябрьда Гонконг полицияси Чжоу Цзе-минни одамларни ўлдириш мақсадида қилинган фитнада қатнашишда айбдор қамоққа олиш тўғрисида ордер олган ва чанкайшичи ҳукумат ма'мурларидан уни суд қилмоқ учун қайтариб беришни сўраган. Баёнотда айтилишича, «неча марталаб талаб қилинганидан кейин» чанкайшичи ҳукумат ма'мурлари, жиноятчиларни тутиб бериш тўғрисида шартнома бўлмаганлиги сабабли, бу иқтимос юридик асосларга эга эмас, деб жавоб берганлар.

## Англия кабинетининг мажлиси

ЛОНДОН, 11 январь. (ТАСС). Рейтер агентлиги хабар беради: бугун Англия кабинетининг мажлиси бўлди. Агентликнинг хабарида айтилишича, мажлисда «Ўрта Шарқдаги аҳволнинг кескинлашганлигига алоҳида э'тибор берилди. Англия Ўрта Шарққа ҳарбий самолётларда ошиғич мадад юбормоқда».

Агентликнинг хабарида «Иден бу стратегик районга нисбатан Ғарб сиёсатини анализ қилмоқ учун ўзининг асосий министрларини маслаҳатга чақирди» дейилади.

## Ли Син Маннинг иғво гапи

НЬЮ-ЙОРК, 11 январь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг Сеул мухбири хабар беради: 11 январьда Ли Син Ман Жанубий Корея армиясининг резервдаги солдатлари мажлисида нутқ сўзлаб, сизлар «мамлакатни бирлаштирмоқ учун шимолга юриш қилишга» тайёр бўлиб туришингиз лозим, деб айтди. Ли Син Ман, «Кореяда коммунистларга қарши яна жанг қилиш ниятидан қайтганим йўқ», деди.

## Лондонда Хитой-Италия музокаралари

РИМ, 11 январь. (ТАСС). Италия блан Хитой Халқ Республикаси ўртасида нормал савдо муносабатлари ўрнатиш ҳақида 11 январьда Лондонда Италия-Хитой музокаралари бошланди.

## Гамбургда ГКПнинг тақиқланишига қарши митинг ўтказилди

БЕРЛИН, 11 январь. (ТАСС). АДН агентлиги мухбирининг Гамбургдан билдиришича қараганда, Гамбургда Германия Коммунистик партияси томонидан уюштирилган митинг ўтказилган. Митингда 600 киши қатнашган. Бу митингда ГКП марказий органи «Фрейес фольк» газетасининг редактори В. Блох нутқ сўлаган. В. Блох ГКП устидан суд ўтказилиши муносабати блан Парижда халқаро тергов комиссиясининг бўлиб ўтган мажлислари тўғрисида ахборот берган.

Француз халқининг катта кўпчилиги, деган нотиқ, Федерал Республикадаги воқиаларнинг ривожланишини бесарамжонлик блан кузатиб бормоқда, шу блан бирга Ғарбий Германиядаги демократик ва тинчликсевар кучларга астойдил ишонади. Биз Федерал Республикада демократик эркинликларни янада қат'ият блан ҳимоя қилишимиз ва республиканинг милитарлаштирилишига қарши тинчликни та'минлаш учун кураш олиб боришимиз керак.

Митинг қатнашчилари федерал конституцион судга телеграмма юбордилар Улар бу телеграммада суд Федерал ҳукуматнинг Германия Коммунистик партиясини тақиқлаш тўғрисидаги илтимосини рад этсин, деб талаб қиладилар.

## ХХР блан Судан бир-бирида дипломатик ваколатхона очадилар

ПАРИЖ, 11 январь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг Хартумдаги мухбири расмий доираларга асосланиб хабар беради: Судан бош министри Исмоил Алазҳарий Судан блан ХХР ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва бир-бирига дипломатик вакиллар юбориш ҳақида бош министр Чжоу Энь-лайнинг таклифини қабул қилган. Шундай қилиб, деб ёзади мухбир, Судан Африка ва араб мамлакатларидан Хитой Халқ Республикасининг ваколатхонаси очилган биринчи мамлакат бўлади.

## Америка Ғарбий Германия армиясига қурол-яроғ етказиб бермоқда

НЬЮ-ЙОРК, 11 январь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Андернахдан (Германия Федерал Республикаси) билдиришича қараганда, кеча Ғарбий Германия армияси учун қурол-яроғларнинг биринчи қисми Қўшма Штатлардан келтирилган.

Мухбирнинг та'кидлашича репортерлар ва фотомухбирларнинг ана шу қурол-яроғлар келтирилганлиги тўғрисида хабар беришлари мудофаа министри Бланкнинг буйруғи блан тақиқланган.

## Японияда бир метр қор ёғди

НЬЮ-ЙОРК, 12 январь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири Токиодан хабар беради: 11 январьда Японияда тўсатдан қаттиқ совуқ бошланди; Япон денгизи бўйидаги шаҳарларда бир метр қор ёғди.

Қор қалинлигидан транспорт қатнови тўхтаб қолди, мактабларнинг кўпи ёпиб қўйилди.



Куйбишев районидаги Луначарское шоссесида янги уй-жой биноси қурилди. Бино яқинда фойдаланишга топширилади. **Суратда:** уй-жой биносининг ташқи кўриниши.
**И. Глауберзон** ва **В. Сироткин** фотоси.

## Мактаб ҳаваскорлари тўгарагида

Октябрь районидаги Каганович номли колхоз ўз оталигидаги 16-нчи мактабга тўгарак ишларининг яхши йўлга қўйилишига яқиндан ёрдам бермоқда. Колхоз правлениеси мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгараги учун 2 минг сўмлик ҳархил музика асбоблари, саҳна ускуналари ва кийим-кечаклар олиб берди.

Мактабда бадиий-ҳаваскорлар тўгарагига кўплаб ўқучилар зўр қизиқиш блан иштирок этмоқдалар. 32 ўқучи Б. Юсупова раҳбарлигида музика чалиш, ашула айтиш ва декламацилар ўқиш ҳамда рақсларни ўрганаётир. Тўгарак а'золари яқинда ёзучи А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясини саҳнага тайёрладилар.

**Д. СОДИҚОВ.**

## *Институт гимнастикачилари*

Тошкентдаги Молотов номли давлат медицина институтининг спорт залида бирнеча йиллардан бери гимнастика секцияси мунтазам ишлаб келмоқда. Секцияга физкультура ўқитучиларидан Б. Липендий ва В. Внучковлар раҳбарлик қиладилар. Гимнастика машғулотларига институт студентларидан 200 га яқин киши қатнашмоқда. Машғулотлар жуда қизиқарли ўтмоқда.

Секция қатнашчиларидан биринчи разрядли физкультурачилар етишиб чиқмоқда. Биринчи разрядли В. Девятов ҳозир мастерликка кандидат бўлиш учун зўр тайёргарлик кўрмоқда. Студентлардан О. Еромина, О. Стеценко каби 14 гимнастикачи иккинчи разрядга эга бўлди. Тўққиз гимнастикачи биринчи разряд олиш учун тайёрланмоқда. Гимнастикачилардан 40 киши учинчи спорт разрядини олишга муваффақ бўлди.

**А. КИМ.**

## Шаҳар биринчилиги учун

Тошкент шаҳар биринчилиги учун бўлаётган шахмат мусобақасининг ўнинчи тури бўлиб ўтди. Ҳамма учрашувлар тамошабинларнинг диққатига сазовор бўлди. Бу турда Набирахўжаев Шварцманни, Юсупов Баренбаумни утди. Мақсудов блан Татур учрашуви дуранг блан тамомланди. Қолган ўйинлар кечиктирилди. Ўтган ўн турдан кейин, тўққиз имкониятдан 9 очко олган Бирбрагер олдинда бормоқда.

ОВЧИ БЛОКНОТИДАН

## КАКЛИК

Қўлида турли ранга бўялган катта соябон кўтарган киши тоғ бағридаги тошлиқлар орасидан гоҳ чўққа тушиб, гоҳ эмаклаб бормоқда.

У, «кикир-кикир» қилган какликлар ёнига яқинлашган сари, соябонни гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга оларди. Эҳтимол газетхон соябон нима учун керак деб ҳайрон бўлар? Ёмғирдан овчини ҳимоя қилиш учунми? Йўқ, офтобдан сақлаш учунми? Унга ҳам эмас. Соябон какликларни овлашда уларни алдаш учун зарур бўлади.

Какликлар ҳарнарсага қизиқучан бўладилар. Айниқса, ҳар хил ранг какликларни қизиқтиради. Шунинг учун овчилар какликларни овлаш мақсадида катта соябон ясаб, унинг устига ҳархил рангга бўялган қизил, кўк, сариқ қушларнинг патини тикадилар.

Какликлар ўлларининг қизиқучанликлари натижасида овчи ўз олдиларига келгунча ҳам(20 — 30 м) қочмайдилар ва овчининг ўқига дучор бўладилар.

Каклик ўртача товуқдек келади. У ҳам товуқ сингари буталар орасига тухум қўяди. То жўжалари катта бўлгунча эргаштириб боқади. Какликлар тоғ этакларида яшайдилар. Какликларнинг ошқозони (жигилдони) шундай мустаҳкам бўладики, ҳатто қумларни ҳам ҳазм қилиб юборади. Какликларни овлашга 1 октябрьдан 1 февральгача рухсат берилади.

Каклик Тошкент областининг Оҳангарон, Паркент ва Бекобод тоғ этакларида, ҳамда республикамизнинг бошқа тоғлиқ районларида учрайди.

Какликлар гўшти жуда лаззатли бўлади.

**Ҳ. ҲАКИМОВ.**

## БИЛДИРИШ

Шу йил, 14 январь кеч соат 4 да Ҳамид Олимжон номли Адабиётчилар уйида шоирларнинг янги ижодий планларини муҳокама қилишга бағишланган умумшаҳар йиғилиши бўлади.

Йиғилишга қизиққан ўртоқларнинг ҳам келишлари мумкин.

**Узбекистон совет ёзучилар союзи.**

**«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 15 январьда чиқади.**

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

## ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/I да **Чин муҳаббат**, 14/I да **Гамлет**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/I да **Эсмеральда**, 14/I да **Ромео ва Жульетта**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/I да **Офтобхон**, 14/I да **Фарҳод ва Ширин**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Литва цирк коллективи гастрольларининг давоми.** Аттракцион — **йиртқич ҳайвонлар ва маймунлар.** Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

«РОДИНА», «НАВОИЙ» номли; «ИСКРА», «ЕШ ГВАРДИЯ», «УЗБЕКИСТОН» кинотеатрларида — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Талантлар ва мухлислар.**

«РОДИНА» — кундуз соат 12 ва 4 да **Пирсдаги соя.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

16 январьда
**театрнинг**
**35 йиллигига бағишланган**

**ТАНТАНАЛИ КЕЧА**

Кеч соат 8 да бошланади.
14/I га тарқатилган таклиф билетлари 16/I га ярайди.

**ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Ўзбекистон совет ёзучилар союзининг органи

**„Совет Ўзбекистони маданияти“**

**НОМЛИ ЯНГИ ГАЗЕТАГА**
**1956 йил февраль ойидан йил охиригача**
**ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА**

**«Совет Ўзбекистони маданияти»** газетаси адабиёт ва сан'ат, кинематография, маданий-оқартув муассасалари, радио, полиграфия ва нашриётлар, китоб савдоси ходимлари ва умуман кенг меҳнаткашлар оммасига мўлжаллангандир.

Газета ўзбек совет маданияти олдида турган муҳим вазифаларни ўз саҳифаларида мунтазам равишда ёритиб боради.

**«Совет Ўзбекистони маданияти»** газетаси фан, адабиёт, сан'ат ҳақида ва маданият соҳасидаги бошқа масалалар ҳақида илмий, назарий мақолалар, рецензиялар, очерклар ва информацияларни бериб туради.

Шунингдек, газета республикадан ташқари, Иттифоқ миқ'ёсида ва демократик республикалар халқлари маданияти, адабиёти ва сан'атида янгидан яратилган йирик асарлар: романлар, повестьлар, ҳикоялар, пьесалар, поэмалар, ше'р ва очерклар блан газетхонларни таништириб боради.

Газета ҳафтада 2 марта чиқади.

ОБУНА БАҲОСИ: бир йилга — 31 сўм 20 тийин, 6 ойга — 15 сўм 60 тийин, 3 ойга — 7 сўм 80 тийин.

Обуна «Союзпечать» ва почта бўлимларида, фабрика-завод ва бошқа муассасалардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 00006. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1350